

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

МУҲАММАДИЁР ТОШМУРОДОВ

ЧИЗМАТАСВИР

*Олий ўқув юрти 1-2 курс
«Рангтасвир» йўналиши учун ўқув қўлланма*

«NOSHIR»

Тошкент – 2012

КБК 85.15я73

T71

Тошмуродов, Муҳаммадёр

Чизматасвир: олий ўқув юрти 1-2 курс «Рангтасвир» йўналиши учун ўқув қўлланма/ М.Тошмуродов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон бадий академияси. – Тошкент: Noshir, 2012. – 124 б.

Мазкур қўлланма олий ўқув юртлари тасвирий санъат факультети талабалари учун мўлжалланган бўлиб, дастур асосида рангтасвир йўналши бўйича ўқув портрет, одам коматларини чизматасвир амалий вазифаларни ишлаш мавзусига керакли маълумотлар, хомаки чизгилар йиғиш каби мавзулар ҳақида талабаларнинг касбий билим ва маҳоратларини ошириш машғулотлари асосий мақсад қилиб олинган.

Қўлланмада чизматасвир амалиётида бажариладиган вазифа турлари ва уларга қўйилган талаблар ҳақида кенг маълумот ва чизматасвир намуналари берилган.

Натурадан ишлаш машғулотлари тасвирий санъат билан шуғулланувчи барча талабалар, ўқувчилар, ёш рассомлар ва ўқитувчилар учун муҳим ҳисобланиб, касбий маҳоратини оширишда фойдаланиши мумкин

Ушбу қўлланма К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Илмий кенгаши қарорига мувофиқ 2012 йил 28 августдаги 1-сонли кенгаш мажлисида нашрга тавсия этилган.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
профессор Р. А. Худайберганов таҳрири остида**

Т а к р и з ч и л а р :

**Ўзбекистон халқ рассоми, ЎзБА академиги, профессор С. Рахметов
Санъатшунослик фанлари доктори А. Эгамбердиев**

ISBN 978-9943-4084-0-1

© «NOSHIR» nashriyoti, 2012-у.

КИРИШ СЎЗИ ЎРНИДА

ИСТИҚЛОЛ. ЗАМОН.

БАДИИЙ ЖАРАЁН ИСТИҚБОЛИ.

«Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг ўниб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.

Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унитмаслигимиз керак».

И.А. Каримов

«Мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий – иқтисодий масалалар қаторида инсон, айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан, такомил маънавий маданият ва санъатсиз, миллий кадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий – тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди», - деб ёзади Президент И. А. Каримов.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда янги маънавий – ғоявий йўналишларнинг шаклланиши замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасини кенгайтирган ҳолда, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди.

1991–2012 йиллар давомида маҳобатли ва ландшафтли ҳайкалтарошлик, интерьер ва жихозлаш, деворий рангташвири турлари; витраж, мозаика ва меъморлик билан узвий боғлиқ маҳобатли - безак санъати жамоа ва уй - жой муҳити эстетикаси шаклланишига салмоқли ҳиссасини қўша олишга эришди. Шу

даврда барпо этилган йирик иншоотлар маҳобатли рангтасвирчи, хайкалтарош, бадий кулолсоз, шишасоз, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳамда бошқа ижодкорларнинг фаол иштирокида бунёд этилди.

Рангтасвирда бадий жараён бир мунча шиддатли ва серҳаракат кечди. 1991-2012 йилларда бўлиб ўтган кўп сонли кўргазмалар шуни тасдиқлайдики, мазкур давр рангтасвири услуб ва композицион ечимнинг турли - туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса рангтасвирчиларга ижодий эркинлик, шунингдек бадий тасвири акс эттиришда шакл ва воситаларни мустақил танлаш имконини яратди.

Сўнгги йиллар давомида узоқ ва яқин хориж, шунингдек, республикада ўтказилаётган халқаро миқёсдаги бадий кўргазмалар асосини анъанавий ҳамда ноанъанавий тарздаги дастгоҳли рангтасвир асарлари ташкил этади. Мамлакатимиз Мустақиллик кунига бағишланган, доимий ўтказилиб келинаётган бадий кўргазмалар бу борада энг етакчи бўлиб келди. Бу кўргазмада республика миқёсида тасвирий ва амалий санъатнинг барча турларида юзага келган етук ва намунали асарлар намоиши этилди.

Дастгоҳли рангтасвир услубий йўналишлари ва оқимлари ҳақида сўз юритиладиган бўлса, улар орасидаги чегаралар шартли хусусиятларга эга бўлишига қарамай, анъанавий ва ноанъанавий, яъни тарихий-маданий меросга миллийликни сақлаган ҳолдаги мурожаати, шунингдек, биргина рассомнинг бир неча йўналишларда ижод қилишини ҳам таъкидлаш лозим. Реалистик, академик йўналишни ўз ижоди ва педагогик фаолиятида кенг қўллаган сермахсул ижод қилаётган кекса ва ўрта авлод рассомлар ижодига хосдир. Булар Ўзбекистон халқ рассомлари ва фахрий академиклар (марҳумлардан: Р.Аҳмедов, Н.Кўзибоев, Б.Бобоев, Д.Имомов, О.Муинов) С.Абдуллаев, В.Бурмакин, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Умарбеков, А.Икромжонов, С.Рахметов, Й.Турсунназаров, шулар қаторида ўз махоратларини ёшларга ўргатаётган таниқли рангтасвирчилар Р.Худойберганов, М.Нуриддинов, Э.Машарипов, А.Маматова, Р.Ризамуҳаммедов, М.Тошмуродов, А.Аликулов, М.Эргашев, И.Мансуров,

Н.Шоабдурахимов ва бошқалардир. Уларнинг асарларида бу йўналиш учун анъанавий бўлган - тарихий ва жанрли картиналар, портрет, манзара натюрморт - жанри ва мавзулар ўз ифодасини топмоқда. Мустақилликнинг қўлга киритилиши ва янги мафкуранинг ўз мавқеига эришуви натижасида миллий тарихимиз саҳифаларининг янгитдан яратилиши бадиий жараёнда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз равнаки ва мустақиллигига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг кўзга кўринган маданият ва тарих намоёндалари сиёсий унутишдан ва йўқликдан қайта туғилиши билан санъатда уларнинг портретлари галереяси вужудга келишига туртки бўлди.

Замонавий ҳаётда асосий мавзу бўлиб келаётган Амир Темир образи, мазкур давр фаолиятлари бу галереяларда асосий ўрин эгаллайди. Буюк Соҳибқирон образига республиканинг йирик рангтасвирчилари академиклар М.Набиев ва Н.Қўзибоевлар мурожаат қилдилар. Мусаввирлар ўзига ишонган, жаҳонгир ҳукмдор образини яратдилар. М.Набиев томонидан яратилган Амир Темир (1999) образи ўзининг сеҳрли жозибаси ва кучли таъсири билан замонавий тарихий рангтасвирнинг ўзига хос мумтоз асарига айланиб, эталон сифатида қабул қилинди.

Темурийлар сулоласининг бошқа вакиллари ҳам рангтасвирчилар томонидан катта қизиқиш билан тасвирланади. М.Набиев мўйқаламига мансуб Заҳириддин Бобур портрети романтик тарзда ечилган. Бобур ижод жараёнида, қўлида қалам, кўзлари эса олисларга қадалган. Таниқли портретчи рассом С.Рахметов Темурийлар даври тарихий шахслар образларини маҳорат билан яратади. Ўзбекистон Миллий Банки ва Темурийлар тарихи Давлат музейи 1999 йилда Ўзбекистоннинг етакчи портретчилари иштирокида Темурий шахзодалар портретлари танловини эълон қилди ва Темурийлар авлодининг кўзга кўринган давлат арбоблари портрети яратилди.

Темурийлар даври буюк миниатюрочи рассом К.Бехзоднинг ҳаётлигида ишланган ва ҳозиргача сақланиб қолган портретлари А.Икромжонов («Улугбек») эталон сифатида қабул қилинди, «Камолиддин Бехзод», 1990) рангтасвир композицияси, шунингдек, А.Абдуллаевнинг А.Навоийга (1997) бағишланган полотноси-

нинг асоси бўлди. Темурий маликаларга аталган туркум портретлар О.Мўиновнинг мўйқаламига мансубдир. Бу композицияларида рассом Шарқ аёллари («Бибиҳоним», 1997)га хос романтик ва эҳтиросли жиҳатларни талқин этади.

Рассом ижодида замонаси руҳини тимсоллаштирувчи, умумлашма тарздаги рамзий-портретлар вужудга келмоқда. Т.Курызовнинг «Жалолиддин Мангуберди»га (1997) бағишланган портрети (эталон сифатида қабул қилинди), М.Йўлдошевнинг «Алпомиш» (1998 — 2000) достони қаҳрамонига бағишланган туркум асарлари, Э.Машариповнинг «Алпомиш» (1998), Р.А.Худайбергановнинг «Спитамен» полотнолари шулар жумласидандир. Тарихий меросимизни бадиий ёритишда 2000 йилда бўлиб ўтган «Шаҳидлар хотираси» кўргазмасида жадидлар портретлари туркумлари билан иштирок этган А.Икромжонов, Т.Кўзиев, М.Нуриддинов, С.Рахметовлар ҳам катта ҳисса қўшдилар.

Э.Машарипов ва А.Алиқуловларнинг «Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси» (1996), З.Фахриддиновнинг «Зафар» (1997), М.Нуриддиновнинг «Саид Барака Амир Темурни ҳокимият рамзи - ноғора ва ғалаба байроғи билан тақдирламоқда» сингари сюжетли асарларда Амир Темур енгилмас саркарда, ўз халқининг шавкатли ўғлони сифатида гавдалантирилган. Бу кўпфигуралли композициялар ўзида очиқ ҳаракат майдонини намён этадики, Амир Темур доимий тарзда марказий, бош қиёфа тарзида талқин этилган. Буюк саркарданинг яратувчанлик фаолияти С.Абдуллаев полотноларида акс этган бўлиб, мазкур асарларда у буюк меъморий обидалар фонида тасвирланади («Амир Темур Бибиҳоним масжиди қурилишида», «Осмонинг беғубор бўлсин, буюк Туркистон»).

ЎзБА К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институту профессор-ўқитувчилари (юкорида рўйхатда келтирилган рассомлар) айнан, реалистик мактаб асосини сақлаган ҳолда, ўқув машғулотларини олиб бордилар. Бу эса рангтасвирнинг реалистик жанрида ижод этган ўтмиш ижодкорларимизнинг бой меросини тан олинганлиги, шунингдек, жаҳон санъати илғор тажрибасини чуқур ўрганишдан далолат бериб, бутун дунёда авангард

йўналиш билан бир қаторда, айнан, реалистик йўналиш ривожига эътибор билан қаралганлигини кўп жиҳатдан намоён этади. Жумладан, академик Р. Аҳмедов ўз портретларида эпик кенглик ва теранликка эришса-да, унинг қаҳрамонлари оддий инсонлар бўлиб, айнан, уларда мусаввир донишмандликни, маънавий покликни, юксак ахлоқий қондаларни гавдалантирса («Жиззахлик аёл», 1992; «Нигина» 1993), рангтасвирчи А.Иқромжоновнинг портретлари юксак маҳорат ва диққат билан ишланганлиги, колоритга бойлиги, шунингдек, образнинг рухий тўлақонлилиги («Малика портрети» (1993), «Мадина» (1993) билан ажралиб туради.

Ўз оҳанглари ва мўйқаламига ишонч билан ёндаша олган Р.Худайбергеновнинг портретлари ҳам кишини бефарқ қолдирмайди («Хожар хола», 1999). Европа услубини қўллаган ҳолда, мусаввир ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз, тўқ фонда портретлар яратадики, улар қаҳрамон қиёфасини янада мукамалроқ чиқишида етакчилик қилади. «Бастакор Р.Абдуллаев портрети» (Наврўз-2001).

1990 йилларда портрет жанрида Б.Жалолов фаол ижод қилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, реалистик чизмалар яратишда у мислсиз даражага эришадик, бу борада унга ҳеч ким тенглашолмайди. Охириги ўн йилликда яратилган «Саудия Арабистони қироли Аравий Фахд ибн Абдул Азиз» (1992), «Академик С.Азимов портрети» (1998) ва бошқа полотноларни мусаввирнинг ўзбек рангтасвирчилар орасида дунё талаблари даражасида яратган асарлари қаторига киритиш мумкин. С.Раҳметов ижодида портрет асосий ўрин эгаллайди. Охириги ўн йилликларда яратган энг яхши портретлари қаторида «Юнус Ражабий портрети» (1993), «ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Г.Кун портрети» (1999) алоҳида аҳамият касб этади.

1990 йилларда ўзбек рангтасвирининг ўзига хос бўлган рамзий - романтик услубда миллий ўзига хосликни талқин этиш авж олди. А. Мирзаев, О. Қозоқов, Н. Шин, И. Валихўжаев, И. Мансуров, С. Раҳметов ва бошқалар ёрқин безакдор ва чизикли-шаклий асарлар яратдилар.

Академик А.Мирзаев асарлари - шаклнинг эркин ўйини, ранг ва нурнинг қутилмаган, баъзан эса қарама - қарши қоришиқлари,

ўта безакдорлик, анъанавий халқ санъатига таянганлик билан ажралиб туради «Ўтмишдан эртақлар», «Сўқокда» (1995), «Қизил тоғ этагидаги учрашув» (1996). 1998 йилда, Францияга ижодий сафаридан кейин яратилган туркум асарлари ҳам мана шу ранглар услубиятига кўра бажарилган.

Бу даврда бўлиб ўтган турли кўرғазмаларда - миллий романтиклик бироз ёрқинроқ ранглар ва мураккаблаштирилган композицион ечимда шакллантирилган асарлари билан — О.Қозоқов фаол иштирок этади. Мусаввирнинг аксарият асарлари халқ фольклори ва дostonлари асосида вужудга келгандир («Канизалар» триптихи 1996 й).

И.Мансуровнинг 1990 йиллар бошларида халқ байрамлари ва фольклор намойишлари асосида бажарилган «Наврўз», «Катта Наврўз», «Туш», «Баҳор» туркум картиналари алоҳида қизиқиш уйғотади. Композициялар асосида ранглар гаммаси бўйсундирилган чизиқлар ётади.

Шунингдек, академиклар: Б.Жалолов, Ж. Умарбеков, Л. Ибрагимов, рассомлар Н. Шоабдурахимов, Ж.Рахмонов ижодида фалсафий - таҳлилий ва ассоциатив - мажозий йўналишлар ўзининг тўла аксини топди.

90-йилларда рангтасвир санъатига кўпгина графикачи рассомлар ҳам мурожаат қиладилар. Қатор туркум рангтасвир полотноларини яратган таниқли графикачи Леким Ибрагимовнинг ижодини шу йўналишга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Унинг рангтасвирини таниш мушкул эмас, ўзи учун янги ижодий йўналишда у ўз услубига содиқ қолади: ишланмаган матода, шиддаткор чизгиларда кўхна Турфон деворий суратларидан илҳомланиб, енгил ва нафис шаклларни яратади. Л.Ибрагимов рангтасвирида аёллар образи етакчи ўрин эгаллаган бўлиб. Буюк уйғур маликаси («Малика», 1997), табиат қўйнида ором олаётган ёки саҳрода рақс тушаётган қизлар («Соҳилда» 1989, «Саҳродаги рақс», 1998), қадимги Хўтон аёллари («Хўтон аёли», 1995), рангдор хонатлас қийган раққосалар («Атлас қушлар», 2000) бунга мисол бўлади. Гоҳида унинг қаҳрамонлари Шарқнинг қадимий анъаналарига хос аёллар илоҳийлашуви даражасига кўтарилади. «Амударё» (2000) асарининг композициясида жаннатмакон Осиё заминини тажассум эт-

ган дарё образи аёл қиёфасида ифодаланган. Барча мавжудот ва махлуқот унинг теварагида мужассамдир.

Аёл, муҳаббат, оила - Нодир Шоабдурахимов картиналарининг асосини ташкил этади. У қалбан шоир, шу боисдан ҳам асарлари ва шарқона лириканинг анъанавий мавзулари ўртасидаги жуфтликда ташбехлару қочиримлар мавжуд. Нодирнинг полотноларида аёлларнинг вужудини ифода этувчи нафис, мулойим чизиклар, шарқона, куйнинг сокин оҳангини такрорлаётгандек товланиш, сокинлик ва ижодкорлик - унинг рангтасвир асарларининг асосий хислатларини ташкил этади, худди мана шулар асарларининг шарқона дунёсини белгилаб беради.

Н. Шоабдурахимов рангтасвир муҳитини, унда жойлаштирилган фигураларни рангли мозаикага ўхшатади, бунда ранглар ўзаро зид ҳолда ёхуд ягона тусга бўйсундирилади («Одам Ато олган олма», 1992; «Икар», 1997; «Ёлғиз», 1997; «Рақс», «Минотавр туши», 1998).

Графика санъатининг ривожини охириги йигирма йил мобайнида бир йўсинда бормади. 1990 йиллар бошида бозор иқтисодиёти шароитида хусусий буюртмачилар ёки сотиб олувчилар сони кескин камайиб кетганлиги боис дастгоҳли графикага бўлган эҳтиёж пасайиб кетди. Босма маҳсулотлар ҳажмининг пасайиб кетиши халқаро кўламда машҳур бўлган график-рассомлар (марҳумлар: Ф.Кагаров, М. Кагаров, Қ. Башаров, А.Маҳкамов), Р.Аюпов, Ф.Хайитов, И.Вахитов, Н.Хусанов, Феруза ва Лайло Башаровалар ижодий йўналишларининг ўзгариши, ҳатто, уларнинг рангтасвир билан шуғулланишларига олиб келди. Шунга қарамадан дастгоҳли графика санъати ривожини илгариги кўламда бўлмасида, ҳар ҳолда давом этмоқда. Рассомлар сувбўёқ, чизматасвир, линогравюра, офорт ксилография, литография босма усулларини педагогик фаолиятларида давом эттирган ҳолда, баъдий кўрғазмаларда ҳам ўз асарлари билан иштирок этмоқдалар. Ҳозирги давримиздаги дастгоҳли графика санъати тасвирий санъатнинг барча турлари билан уйғунликда миллий анъаналарга таянган, баъзан эса тасвирий санъат чегараларидан чиқиб борувчи янгилик ва кашфиётлар сари фаол бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон дастгоҳли графика санъати ривожини умуммаънавий восита сифатида кўп йиллар хизмат кўрсатган рассомлар сингарини ёш рассомлар ижодида томошабинлар эстетик қарашларини ифодалашга интилиш ҳамда жамиятдаги маънавий саволларга жавоб беришда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисолалар кўплаб нашр этила бошланди. Уларда Ўрта Осиёнинг буюк шахслари Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор, Ал - Бухорий, Ал - Фарғоний, А. Чўлпон, А. Фитрат қабилар ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Бадиий адабиётларнинг асосий қисми Ғ. Ғулом нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Чўлпон» номидаги нашриётларда чоп этилмоқда. Ушбу нашриётларда, замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аجدодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, хорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

Тажрибали устозграфикачи - рассом марҳум А. Маҳкамов томонидан «Шарқ халқлари эртақлари» китобига ишланган иллюстрациялар бадиий жиҳатдан юксак бажарилган бўлиб, улардаги реалистик чизма асосида Шарқ миниатюраси таъсири яққол сезилади.

Юқоридаги фикрларни яқунлаб, шуни айтиш жоизки, республикада тасвирий ва амалий санъат ривожини мутахассислари К. Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчилари ҳисобига тўлиб бормоқда. Соҳага кириб келаётган иқтидорли ёш рассомлар тажрибали устозлар билан бир қаторда Ўзбекистон бадиий жараёни ривожини давом эттиришда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

*Қамолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти «Тасвирий санъат
тарихи ва назарияси» кафедраси доцент:
Ш. С. Ғуломова*

І. БОБ. ФАН ҲАҚИДА

Олий рассомлик мактаби касбий маҳорат ва саводлилиқни, дунёқарашни шакллантириш каби асослар базасини яратади. Бу маъсулиятни бажаришда тасвирий санъат турларининиг барчасида асосий роль ўйнайди. Чизматасвир нафақат тасвирий санъат, амалий санъат, дизайн, графика, плакат каби турларнинг барчасида текислик юзасида шаклларнинг пластик тузилишини тасвирлаш, конструктив асосини англаш ва фикрлашни ўргатувчи фандир.

Чизматасвир фикрни, ҳар қандай композиция ва лойиҳалашда ҳис, тасаввурни акс эттириш воситасидир.

Бу қўлланма чизматасвир ўқув вазифалари дастурига асосан, чизматасвирни ўрганиш соҳаси амалий камраб олинган.

Қўлланмадан мақсад чизматасвирдан ўқув вазифалар даражаси сифатини юқорига кўтариш ва бўлажак рассомни касб маҳоратини оширишдир. Чизматасвир фани дастури жаҳон тавирий санъати реалистик мактабига асосланиб, натурани чуқур ўрганишга имкон яратади. Натурадани чизматасвир ишлаш босқичлари жараёнида аста - секин натурани ишлаш билан унинг бадиий жиҳатларини ўргатади. Инсон қоматини ҳар томонлама ўрганиш анъанаси реалистик мактаб чизматавири ва замонамизнинг тасвирий санъат талабларига жавоб бераолади. Ўқув қўлланмада натурадани узоқ муддатли чизматасвир ишлашга муҳим ўрин берилади. Чизматасвирда шаклларни анализ қилиш ва рассомга уни англаш имкониятини яратади.

Китобда порпорция, туснинг аҳамияти, чизматасвир жараёнининг босқичлари, перспектива ва анатомия билимларини доимо бойитиш ҳақида сўз юритилади.

Қўлланмада қисқа муддатли чизматасвир, хомаки чизматасвир, ёддан ишлаш каби муҳим амалий машғулотлар ҳақида тушунча берилади. Интеръер, экстеръер, театр - безакли поста-

новка, ўқув ижодий ва мустақил амалиётга диққат қаратилган. Бу жами машқлар ижодий ўқув муассасалар тингловчиларининг юқори даражада билимини ошириш муҳим ҳисобланади.

Инсон ва табиатни ўрганишга ўтган аср рассомлари катта эътибор бериб йўл кўрсатган. Биз учун уларнинг манбаларда ёзиб қолдирган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмади.

Тасвирий санъатда амалиёт ва назария ҳар доим касбий маҳоратни оширишни ўқув ишида натурани чуқур ўрганиш, чизматасвир техникасини эгаллаш, бадиий бойликни оширишни таклиф этади.

Китоб олий ўқув юрти талабаларига, рассом ва ўқитувчиларга, шунингдек санъатга қизиқувчи ўқувчилар ва китобхонларга мўлжалланган.

1.1. Курс топшириқлари хусусияти ва мақсади

1-курсадаги вазифалар антик давр юнон хайкалтарошлари яратган гипсли бош ҳайкали чизматасвиридан иборат бўлади. Жонли табиатни кўзатиш асносида кенг маънодаги умумлашма образ натижаси сифатида вужудга келган хайкал бетакрор намуна вазифасини ўтайди, унда шакллар тузилмасининг асосий қонуниятларини тушунтириш ва ифодалаш осонроқ бўлади. Антик хайкалларнинг мутаносиблиги анатомияга яқин. Гипсдан ишланган антик портрет ўқув нусхалари барча тизим мутаносибликлари шакл жихатдан тушунарли эканлиги ва котган ҳолатда бўлганлигидан талабаларнинг хайкаллардаги инсонларга хос шаклларни ўрганишида катта аҳамият касб этади. Шу маънода антик хайкалларда одам танаси ва унинг айрим қисмлари шаклининг *геометрик* талқини билан танишув тирик инсон образи, юз тузилиши андоза ва унинг қисмларини тушунишига ёрдам беради (1 а, б-расм).

Юқорида таъкидланганидек гипсда шакли чиқарилган антик портретлар аниқ ўлчамларда ва тинч ҳолатда эканлиги шаклни ниҳоятда аниқ кўриш ва уни бемалол тасвирлаш имконини беради. Бу инсонларни тасвирлашга киришиш олдидан муҳим бир машқ туркумига киради. Гипсли антик портретларни тасвирлаш



1 а-расм



1 б-расм

ёруғ - соя, яримсоя, нимёруғ, ёруғ нури ва ялтирашни тасвирлаш ёрдамида катта ҳажмдаги шаклни тус билан тасвирлашга, бу эса тасвирлаш техник воситаларини эгаллашга ёрдам беради. Талабалар эътиборини гипснинг ашёлилик хусусиятини намоён этишга, мустақил тасвирлашга қаратиш ва топшириқни маҳорат билан тасвирлашга ўргатиш лозим бўлади. Гипс антик портрет машқларидан сўнг инсон бош суягини чизиш, жонли натура бошини турли ракурс ва ҳолатларда ишлашга ўтишда муҳим босқич ҳисобланади. Жонли одам бош нусхалари учун ифодали бўлган, шакл жиҳатдан аниқ мутаносибликдаги одамлар танланади. Шундан сўнг, портрет ўқув топшириқлари янги талаблар - инсоннинг шахсий хусусиятларини ҳам тўлиқ очиб беришга эътибор қаратилади (2-расм).



2-расм

2-курсда одам танасини тасвирлашга ўтилади. Биринчи семестрда гипсли экорше тана тасвирига, иккинчи семестрда жонли тасвирланувчи кимсага эътибор қаратилади. Курс ўқув топшириғи «оддийдан мураккаб»га ўтиш асосида олиб борилади, яъни ташқи қоматнинг оддий шаклини ифодалашдан одамни чуқурроқ ва ҳар томонлама ифодали руҳий ҳолати очиқ бўлишига интилиш сезилади. 2-курс топшириқлари асосан *яланғоч эркалар қоматлари ва ярим қоматларидан* (кўллари билан) таркиб топади. Эркалар қоматлари тизими аёлларникига қараганда соддароқдир. Шу маънода қиёслаш мақсадида либоссиз аёл қомати ўқув топшириқларига ҳам ўрин ажратилади, Тана тизими меъёр даражасида мутаносибликка эга бўлиши, маънодор ҳаракат ифодасини берувчи ҳолатларда топшириқлар ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Топшириқларда чизматасвир курси дастурида белгиланган кетмакетликка амал қилинади (3-расм).



3-расм

Юқори курсларда психологик портрет ва икки қоматли ўқув топшириқларига ўрин берилади. Дастлаб ҳолат ўхшашлиги ва руҳий хусусият билан боғлиқ вазифалар ҳал этилади. Икки қоматли - гуруҳли ўқув топшириқларида (либосли ва либоссиз) чуқур макон ва фазода таналар-

нинг пластик уйғунлиги, ўзаро боғлиқлиги каби янги вазифалар ҳал этилади. Таналарнинг бутун композициясини табиий тугалликка ва яхлитликка эга бўладиган қилиб жойлаштириш талаб қилинади. Бундай постановкаларга мазкур таналар мавжуд бўлган аниқ муҳитни белгилашга имкон берувчи ашёлар киритилади. Мазкур постановкаларнинг вазифаси талабаларни келажакда малакавий битирув иши устида ишлашга тайёрлашдан иборат. Яланғоч натурачилардан иборат икки қоматли постановкалар уларнинг ўзаро мутаносиб ҳаракати асосига кўрилади; бу ҳолатда қоматлар ракурсини турлича кўриниш хусусиятини ва фазовий ҳолатини ўрганиш топширикнинг асосий талаби ҳисобланади (4-расм).



4-расм

Шундай қилиб, ҳар қандай постановкада талабалар олдига турли вазифалар қўйилади. Одатда ўқувчилар аниқ, ўлчамлари мутаносиб, пластик жиҳатлари мутаносиб вазифани муваффақиятли ҳал қила олади. Курс ишлари ўқув йили давомида постановкалар мураккаблашиб боради. Ишнинг муваффақиятли чиқиши натижаси тўғри танланган ва ўрнатилган натура, барча шакл тизимлари тушунарли, дастур талабларига мос ҳолатда берилишига боғлиқдир. Шунинг учун ёрқин пластик хусусиятга, аниқ ва тиник ифодавий шаклга эга бўлган натура танланади. Постановка содда ва маъноли бўлиши лозим, ёритқичлар инсон қиёфаси шакллари-

нинг пластик ҳолатини бўрттириш, талабанинг ижодкорона ёндошлиш имкониятини туғдиришни талаб этади. Дастлабки курсларда сунъий ёруғликдан фойдаланган маъкул, табиий ёруғликдан юкори курсларда фойдаланиш яхши натижа беради.

Чизматасвирни бажаришдан аввал композицияни қоғоз юзасига мутаносиб ва ижодкорона жойлаштириш мақсадида талабаларга дастлабки хомаки чизгилар чизиш тавсия этилади. Унинг муваффақиятини таъминлаш учун натуранинг интерьердаги ўрни, психологик ечимга ва фазовий ўрнига эътиборни қаратиш лозим.

Юқорида айтилганидек талаба илк қадамлардан натурани фазо ва маконда тасвирлашга интилиши зарур. Тасвир коғознинг юзасига чизилган сари, гуё ичига кириб кетгандек туюлиши керак ёруғлик, макон, атроф - муҳит, ашёларнинг ўз жисмига монандлиги (ашёвийлик) ва ҳажми, ёруғлик, тус ўзгаришлари орқали берилади. Тўғри талқин этилган тус чизматасвирнинг муваффақиятини таъминловчи омил ҳисобланади.

Талабалар ишларида кўпинча ашёлар билан бойитилган, мураккаб сатхни бирлаштирувчи катта ёруғлик ва катта соя деб аталувчи жиҳатларни сезмаслиги ва ифодалай олмаслигини кўриш мумкин. Чизматасвирдаги жисм ёки қомат туслари ўз чегарасига эга. Шунинг учун ёруғлик ва соянинг бирор жисм ва қоматдаги кучини эмас, балки уларнинг яхши ҳолдаги тўғри муносабатинигина ифодалаш тавсия этилади. Бунинг учун ёнма - ён тусларнинг кучини маълум даражада камайтириш йўли билан табиий тус боғлами ҳосил қилинади.

Бутун иш жараёни умумий тўхтамдан хусусий ёндашувга ва хусусийликдан майда жиҳатларни диққат билан ўрганиш орқали натуранинг моҳиятини очишга йўналтирилган бўлиши зарур. Эътиборни муҳимроқ бўлган жиҳатларга қаратиш билан яхлитликни бузмайдиган жиҳатни таъкидлаб кўрсатиш имкониятига эга бўлиши керак.

Либосни тасвирлаш чоғида кўпгина букламалардан энг асосийлари, қомат шаклини ифодаловчисини танлаб олинади.

Иш давомида талаба ижоднинг ўзига ҳослигини ривожлантириши лозим. Устоз асосан оғзаки кўрсатмалар беради ва

факат зарур бўлгандагина чизмадаги хатони тузатишда амалий ёрдам кўрсатади.

1.2. Натурадан чизматасвир ишлаш ҳақида асосий тушунчалар

Чизматасвир тасвирий санъатнинг мустақил тури бўлишидан ташқари рангтасвир, гравюра, плакат, ҳайкалторошлик, амалий безак санъати ва бошқа санъатларнинг асоси ҳисобланади. Чизматасвир ёрдамида бўлғуси асарнинг энг биринчи ғоясини тасвир орқали мустаҳкамланади. Масалан, Суриков «Бояр аёл Морозова» картинасининг мураккаб композицияси учун эскизларни хаёлдан ва натурадан қаламда хомаки чизматасвирлар ишлаб ҳал қилишга уринган. Микеланжело Сикстин капелласи шипга роспись ишлашда қомат ҳаракатларини ёрдамчи чизматасвир орқали жозибали ҳолатларини топишга ҳаракат қилган. А.Иванов томонидан бир неча ёрдамчи чизматасвирлар тайёрлаб, ўз картинасида бетакрор шакллар жозибали образи борлигини кўрамыз.

Чизматасвир қонун ва қоидаларини эгаллаш натурадан онгли равишда ишлаш натижасида ўрганилади. Қаламни қоғозга тегизилар экан, реал шаклни тушуниб ва сезгига асосланиб, ўйлаб юритилиши керак.

Ўқув чизматасвирида натуранинг шакли, пластикаси, пропорцияси ва қурилиши ҳақида тўлиқ тасаввур берилиши зарур. Натура ёрдамида шаклларни ўрганиш рассом ижодида катта имкониятдир. Бундан ташқари биз натурани идрок қилабилишимиз ҳам зарур. Атофдаги борлиқ нарсалар ҳақиқатда бизга кўринган каби эмас, масалан, паралел чизиклар бир – бири билан учрашгандек, ўткир бурчаклар гоҳо ўткир, гоҳо ўтмас, айлана эса эллипс шакл кўринишида, қалам бўйи бино бўйидан баланд ва ҳақозоларни чизматасвир, перспектива машқларисиз тушуниш қийин.

Перспектива оптик ҳодисаларни тушунтиришдан ташқари, балки рассомни шаклларни ҳар хил ҳолатдаги бурилишларини муҳит(маконда)да тасвирлаш усуллари билан қуроллантиради. Шунингдек, ҳар хил даражадаги масофада жойлашишини тасвирлаш усулларини ҳам тушунишга имкон яратади.

1.3. Чизматасвирда тус муносабатлари

Жисм ва жуссаларнинг ҳажмли шакли ва ашёси инсон нигоҳи томонидан энг аввало буюмнинг нур - соя ҳамда ранг чегаралари воситасида қабул қилинади. Шунинг учун ҳам текисликда натураинг ҳаққоний тасвирини, макон ва ҳажмни ҳосил қилиш учун буюмнинг перспектив ечимларидан ташқари ҳар бир шаклнинг нур - соя ҳамда тус муносабатларини ҳам тўғри акс эттириш лозим.

Ҳар бир ҳажмли шакл қийшиқ ёки текис геометрик юзалар билан чегараланади, улар эса ўз навбатида ёритилиш жараёнида турли ёруғлик шароитларига тушиб қолади: буюмларнинг турли юзаларига тушаётган нурлар уларни бир маромда ёритмайди. Юзанинг баъзи қисмларига кўпроқ, баъзиларига эса камроқ нур тушади.

Буюм юзасининг ёруғлик даражаси ўзгариши авваламбор унинг нур тушаётган манба билан оралиқ масофасига боғлиқ бўлади: юзадан ёруғлик манбаси қанчалик узоқ бўлса, унинг юзаси шунчалик оз ёритилади. Аксинча, ёруғлик манбаси қанчалик яқин бўлса, унинг ёритилиш шу қадар кучли бўлади.

Буюм юзасидаги ёруғлик даражасини ҳис қилиш жисмнинг томошабин билан оралиқ масофасига ҳам боғлиқ бўлади. Томошабин кўриляётган буюмдан узоқлашган сари унинг ранглари секин - аста хиралашади, соя жойлар ранг - тус эса оқариб боради.

Юзага ёруғлик нурининг тушиш бурчаги ҳам табиий равишда буюмнинг ёруғлик даражаси ўзгаришига таъсир кўрсатади. Мисол учун, жисмга рўпарадан тик, яъни перепендикуляр тарзда тушаётган ёруғлик нурлари жиёмнинг энг кучли ёритилган қисми саналади. Ёруғлик нурлари юзага нисбатан қиялашгани сари буюмга нурлар шу қадар кам етиб боради ва унинг ёритилиш даражаси кучсизланади.

Жисмнинг ёруғлиги юзанинг ўзига хос фактураси ҳамда рангига ҳам боғлиқдир: силлиқ ва ялтироқ юза ғадирроқ ва ялтироқ эма: юзага нисбатан кўпроқ ёруғликни акс эттиради. Тўқ рангдаги юзалар эса ёруғлик нурларини кучли қабул қилгани сабабли ёруғликни кам қайтаради.

1.4. Тус муносабатларининг нисбати.

Табиатда акс этаётган нур ва соя ўйинларининг барча кучини ифодалаш одатда имконсиздек тасаввур қилинади. Зеро, табиатдаги жисмларнинг ёруғлик даражаси тез суратда кўпайиши ёки аксинча камайиши мумкин. Улар орасидаги тафовут шу қадар улканки бу ҳодисаларнинг ифодасини тасаввур қилиш қийин. Масалан, куёш ёруғлиги ой нуридан юз минглаб маротаба кучлидир. Бу ёруғликларни ифодалаш учун рассомнинг имкониятлари нисбатан чекланган. Шу сабабли, чизматасвирдаги ранг - тус, нур - соя орасидаги қарама - қаршилиқ табиатдагига нисбатан бир неча бор кам бўлиши мумкин. Энг оппоқ бўёқ ва энг оппоқ қоғоз ҳам ўзига деразадан тушаётган нурларданда кўпроқ ёруғликни акс эттира олмайди. Қоғозга тушаётган ёруғлик - бизнинг имконияти-миздаги картинада тасвирланадиган энг кучли ёруғликдир.

Табиийки рассом ёруғлик ва қоронгулик орасидаги улкан тафовутни, ёки табиатда кузатиладиган улар орасидаги мутлоқ фарқни тўлиқлигича ифодалай олиш имкониятига эга эмас. Бироқ куёшли кунларни ва ойдин тунларни акс эттирган асарлар ҳам талайгина.

Рассом имкониятидаги чегараланган бадиий воситалар ёрдамида барча ўлчаб бўлмас ёруғлик таассуротларини ифодалай олиш санъати кўриб ҳис этиш туйғусининг икки хусусиятига асосланади.

Биринчи хусусият кўриб ҳис этишнинг ўзига хос муҳим фазилати билан белгиланади. Унинг ёрдамисиз рассомда мавжуд барча ифодавий воситалар ҳам табиатдаги аниқ таассуротларнинг ярмини ҳам акс эттиришга етмас эди. Кўриб ҳис этишнинг бу хусусияти қуйидагича белгиланади. Барча буюмлардаги ёруғлик кучининг бир маромда ўзгариши уларнинг ранги ва ёруғлигини ҳис этишнинг маълум даражада ўзгармаслигини таъминлайди: оқ буюмлар - оқ; кулранг буюмлар - кулранг, қора буюмлар эса - қоралигича қолади. Зеро, кун давомида бизни ўраб турган буюмларнинг ёритилиш даражаси кескин ўзгариб туради. Тонг отиши ёки кун ботиши вақтларига нисбатан куннинг ўртасида ёруғлик тафовути бир неча юз маротабага кўпаяди. Ёруғлик нурларининг тўғридан - тўғри тушаётган ҳолатига нисбатан соя жойларда ёри-

тилиш бир неча маротаба кам бўлади. Бироқ ёруғлик даражасининг барча ўзгаришларига қарамай, буюмларнинг ёруғлиги одатда ўзгармас бўлиб қолади. Ёзув қоғози тушда ва тунда ҳам, булутли ёки қуёшли кунда ҳам, деразадан йироқда ёки унинг яқинида ҳам оқ бўлиб туюлади. Худди шу каби кўмирни ҳам турли ёруғлик даражасининг ўзгаришига қарамай қора тусда деб ҳис қиламиз.

Кун ёруғида оқ қоғоздаги қора ҳарфлар тонг ёруғидаги қоғозга нисбатан кўпроқ ёруғликни акс эттиради. Шунга қарамасдан инсон кўзи ҳарфларни қора, қоғозни эса оқ ҳис қилади. Ваҳоланки, айнан ўша ҳарфлар *кундуз* кунини оқ қоғозга нисбатан оқроқ ёки унданда ёруғроқ ҳис этилиши лозим. Ва аксинча, тонгдаги оқ қоғоз кундуз кундаги ҳарфлар билан таққослаганда тўқроқ бўлиши керак.

Агар ҳар бир ёруғликнинг объектив ўзгариши шунга мос субъектив тасаввур уйғотганда, чизматасвирда табиатни аниқ ифодалаш имконияти бўлмас эди. Бироқ буюмларнинг хусусиятлари бошқа буюмлар муносабати билан белгиланади. Буюмлар ёритилишидаги муносабатлар ёки тафовут ўзгартирилмаган ҳолатда, яъни ёруғликнинг кўпайиши ёки камайиши барча буюмларга бир хил тақсимланган тақдирда, жисмларнинг ёруғлик даражаси ва тусини тўғри ҳис этишни сақлаб қолиш мумкин.

Рассом асарда жисм ва қоматларни, улар юзасидаги ёруғликни кўпайтириш ёки камайтириш имкониятига эга. Агар бу ҳолатда ёруғлик муносабатлари сақланиб қолинса реал ҳаққонийликнинг сифатлари ўзгармайди. Яъни, бу ўзгаришлар барча юзада бир хил маромда, пропорционал тарзда амалга ошган тақдирдагина ҳаққоний чизматасвир натижасига эришиш мумкин.

Бошқа сўз билан айтганда буюмларнинг ранги ва ёруғлик даражасини ҳис этиш ёруғлик ва туснинг мутлоқ кучига эмас, уларнинг муносабати таянади.

Худди шу каби ҳодиса нисбатларни ҳис этишда ҳам содир бўлади.

Телевизор экранда эса бу ўлчамлар сезиларли даражада камайдими бироқ у ва бу ҳолатда инсонлар на баҳайбат ва на пакана туюлади. Барча объектларнинг қисқариши ёки катталашуви пропорционал амалга оширилгани сабабли томошабин ҳаққоний

ҳаёт лавҳаси тасвирини кўради. Агар барча объектлар эмас балки уларнинг маълум бир қисми пропорционал қисқарса ёки катталашса — ҳаққоний таасурот ҳосил бўлмайди.

Чизматасвирда ҳаққоний ифодавийликка мазкур тенг муносабатлар принципида, айнан ўхшашлик орқали эришилади. Инсоннинг кўриш ҳис туйғуси ҳар бир буюмнинг алоҳида ранги ва ёруғлигининг объектив кучига эмас, балки уларнинг муносабатига таянар экан, рассом ҳам тус ва ёруғликнинг ҳаққоний, муқлоқ кучига эмас, аксинча уларнинг пропорционал нисбатларига таяниши мумкин. Тасвирда жисмларнинг ёруғлик даражасидаги муқлоқ таффовутни беришнинг зарурияти йўқ. Агар туслар натурадаги ёрқинликнинг пропорционаллигини сақлаб қолса - исталган ёруғлик таасуротини бериш мумкин (ойдин тун, қуёшли кун). Буюмларнинг ёруғлик даражасини бир маромда қамайтириш ҳамда натурадаги нур ва соя муносабатларини пропорционал тарзда қисқартириш натижасида ҳаққоний тасвирни ҳосил қилиш мумкин.

Бир нечта жисмлар орасидаги ёруғлик муносабатлари орасидаги фарқ натурадаги **тус, ранг муносабатлари** деб аталади. Натурага пропорционал бўлган бир нечта жисмлар орасидаги ёруғлик тафовути тасвирдаги тус нисабатлари ҳисобланади.

Буюм юзасидаги ёруғлик даражаси натурадаги туси деб аталади. Бошқа юзалар ёруғлиги билан солиштириш натижасида, натурага пропорционал равишда олинган (ёки тасвирланган) юза ёруғлиги эса тасвирдаги тус муносабати ҳисобланади.

Буюм ёки бирор бир юзани тус орқали акс эттириш қандай маънони англатади? Бу - тасвирланаётган юза натурадаги юзалардан қанчалик очроқ; ёки тўқроқ бўлса, тасвирдаги ҳар бир юза бошқа юзаларга нисбатан шу қадар очроқ ёки тўқроқ бўлиши керак деган маънони билдиради.

1.5. Чизматасвир учун ашёлар

Чизматасвир учун ашёвий восталарга; қоғоз, қаламлар, резинка (ўчирғич), кўмир, пастель, перо ва бошқа асбоб ускуналар билан тасвир амалга оширилади.

Қоғоз танлаш. Бажарилаётган ишга қараб қоғоз танлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қоғоз турлари ҳар хил бўлиб ҳар хил мақсадларга мўлжалланган. Масалан, қаламда, тушда, акварель бўёқда ишлаш учун ва бошқа ишлар учун.

Акварель бўёқда ишлашга оқ зич, масалан, чизмачилик учун, ватман, ярим ватман ва торжон қоғозларини ишлатилади. Ана шундай қоғозларга қилчўп(кисть) билан ишлаш қулайдир. Торжон қоғозлари силлиқ қоғозга нисбатан акварель бўёғини яхши ушлайди ва ёруғлик тушишига қараб ранглар жилоланиб туради. Силлиқ қоғозга бўёқ текис жойлашади ва деярлик жилоланиш ёки тусини ўзгартириш кам бўлади.

Қоғоз тасвир характериға қараб тўғри танланиши лозим.

Акварель бўёқда ишлаш учун кенг тарқалган қоғоз бу чизмачилик қоғозидир.

Қоғозлар сифати ва вазифасига қараб қуйидаги маркаларда ишлаб чиқарилади: В, Ф, А, О, турларидир.

В - бадий ишлар кўрғазмаси учун.

Ф - гравюра тайёрлаш ва тушда ишлаш учун

А - акварель бўёқда ишлаш учун

О - умумий ишлар учун

Қоғозлар рулонларда ва бўлакларга қирқилган ҳолларда (210x297; 240x287; 420x594; 594x841; 640x878 миллиметрларда) ишлаб чиқарилади.

Рулон қоғозлари буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи билан келишилган ҳолда гадир - будирли ёки силлиқ ишлаб чиқарилиши мумкин.

Чизмачилик қоғозидан ташқари, эскиз қоғози ишлаб чиқарилиб акварель бўёқда, қаламда ва кўмир қаламда ҳам ишлаш мумкин.

Эскиз қоғози чизмачилик қоғозига ўхшаш бўлиб 130x190 ва 190x270 миллиметр ўлчамларида тайёрланади.

Қоғозларга қўйилган талаблар.

Акварель бўёғида рангтасвир ишлаш учун қоғозга асосий талаблар:

1. Сувланган қоғоз қуриганидан кейин деформация бўлмасдан текис ҳолатга келиши керак.

2. Акварель бўёк билан ишлаш қоғоз текислигида бегона доғлар пайдо бўлмаслиги керак.

3. Бир неча марта сув билан ювилган қоғоз эриб кетмаслиги ва ғадир - будур текислик ҳосил бўлмаслиги, шунингдек асли кўриниши сақлаб қолиши лозим.

4. Бўёк қатлами осон ювилиши ва чуқур из қолдирмаслиги керак.

5. Қоғоз ранги оппок бўлиб ўз рангини кўп ўзгартирмаслиги керак.

6. Акварель бўёғи қоғоз юза қисмида енгил жойлашиши.

7. Қоғоз юзага ялтироқ бўлмаслиги; майда доначалик, ўрта доначалик, йирик доначалик ёки силлик текисликда бўлиши лозим.

8. Қалам изларини ўчирғич билан ўчирганида қоғоз титилмаслиги керак.

Қоғозга кўйилган талаблар

Акварель ранггавири қоғозига кўйилган талаблар тубандагича:

1. Сувланган қоғоз куриганидан кейин деформация бўлмаслиги;

2. Қоғозни акварель бўёғи билан бўялганидан сўнгра, куриганидан кейин доғлар пайдо бўлмаслиги;

3. Қоғозни бир неча марта губка билан ювиб ташлаганда кейин эриб кетмаслиги ва ўз сифатини йўқотмаслиги;

4. Бўёк қатлами енгил олиб ташланиши;

5. Қоғоз ранги оқ бўлиши ва кўп йиллар давомида рангини ўзгартирмаслиги;

6. Қоғоз юза қисми қатлами бўёкни енгил шимиб олиши;

7. Қоғоз юзаси хира бўлиб; майда, ўрта, йирик ғадир – будирли ва силлик бўлиши;

8. Қоғоз қаламда ишлаб ўчирғич билан ўчирганда думалоқ шаклда титилмаслиги керак;

Чизматасвир учун қаламлар

Қачонлардир қалам ўрнида кўргошин, кумуш таёқчалари бўлиб, етарли даражада қоғозда аниқ штрих излари қолдирган. Бундай қаламлар билан хомаки чизматасвирлар бажарилиб, Уйғониш давридан бизга етиб келган. Шунинг билан бирга ита-

лия қалами куйдирилган суяк ва усимлик елими билан аралаштириб тайёрланган. Бугунги кунда ҳам замонавий расsomлар италия қаламидан фойдаланиб келмоқдалар.

Кўрғошинли ва кумушли қаламлар XIX асргача ишлатилиб келинган.

Сангина ва пастель таёқчасини ҳам қалам дейдилар.

Графитли қалам

Графит қалами хақида 1564 йилда минерал хақидаги кўлёмаларда ёзиб қолдирилган. Шу вақтга келиб Англияда, Кемберленда графит конлари очилиши билан боғлиқ бўлиб, графитни қаламчаларга кесиб ишлагабошлаганлар. Графит қаламчалари кўлни ифлос қилиб, тез синиб қолиши каби камчилиги бўлган. Шундан кейин графит қаламчаларини тасмалар билан ўраб, тугагунча ишлатилган.

XVIII аср охирида чех И.Гартмурт графитга лой аралашмасини кўшиб куйдириш йўли билан қалам учун стержен (ўзак) тайёрлаган. Шу ҳолда бугунги кунда ишлатилаётган замонавий графит стерженларнинг ҳар хил қаттиқликдагилари тайёрланган.

Француз олими Н.Контье бир вақтнинг ўзида графит стерженини такомиллаштириш билан бирга уни ёғоч гилофга солиб елимлашни таклиф этади. Тез орада Европа мамлакатларида қалам ишлаб чиқариш фабрикаси пайдо бўлабошлади.

Стерженли қалам 18 см узунликдагиси 55км ёки 45000 сўз ёзишини ҳисоблаб чиқишган. 1846 йили ўн етти қаттиқлик даражасидаги такомиллашган қалам ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги пайтда қалам уч асосий гуруҳи: қора графитли, сиёҳ қалам ва рангли қаламлар ишлаб чиқарилади. Улар қаттиқ ва юмшоқ; Т, МТ, М чет элда – Н, НВ, В ҳарфларда, олдинги рақам кўрсаткичи билан жами 15 гуруҳда белгиланади.

Қаламларни мақсадли ишлатилишига қараб мактаб ўқувчилари учун, де вонхона, чизмачилик ва чизматасвир турлари (дунё бўйича 370 га яқин турда ва 70 дан ортиқ рангли қаламлар) ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги вақтда Россияда «Конструктор», «Орион», «Маяк», «Светокопия», «Люмограф», «Архитектор», «Смена», «Комсомолец» номларда қаламлар ишлаб чиқарилади.

Қалам юмшоқлик даражаси М (мягкий) ҳарфи билан белгиланиб, 2М, 3М ва бошқа турларда. Катта М ҳарфидан олдинги сон қаламни қаттиқ, юмшоқлигини билдиради.

Қаттиқ қаламлар Т (твёрдый) ҳарфи билан белгиланади, 2Т, Т га нисбатан қаттиқроқ, 3Т 2Т га нисбатан янада қаттиқроқ ва шу кабиларда.

Одатда чизматасвир ўртача юмшоқликдаги қалам билан (ТМ ёки М) бошланиб, кейинчалик 2М ва 3М номерли юмшоқроқ қаламда давом эттирилади.

Қалам танлаш қоғоз сифатига қараб ва рассомнинг ўз олдига қўйган ижодий вазифасига боғлиқ. Масалан, тез ишланадиган хомаки чизматасвир учун юмшоқ қалам унғай, узоқ муддатли чизматасвир ярим ватман қоғозга Т ёки ТМ қалам билан штрихлашни бошлаш мумкин. Силлик қоғозга юмшоқ қалам, ғадир - будирлироқ қоғозга ўртача юмшоқликдаги 2М қалами ишлаш учун ўнғай бўлади.

Оддий қаламлардан ташқари «Ретуш» қалами ҳам ишлаб чиқарилиб, италия қаламини эслатади. «Ретуш» қалами тўрт номерда: №1 – жуда юмшоқ, №2 – юмшоқ, №3 – ўртача қаттиқ, №4 – қаттиқ турлари мавжуд. «Ретуш» қалами стержени майдаланган қайин дарахти кўмири, лой ва унча кўп бўлмаган газ қуруми аралашмасидан тайёрланади. «Ретуш» ёғли қора ранг беради ва яхши қорайтириш хусусиятига эга. Бу қаламлар узоқ муддатли чизматасвир учун яроқсиз бўлиб ўчирғичда ўчирилган жойини ретуш билан ишлаб бўлмайди. «Ретуш» қаламида бажарилган чизматасвирни фиксатив билан мустаҳкамлаш шарт эмас. «Ретуш» қора қаламидан ташқари яна «Живопись» 2Т, 4М маркали рангли қаламлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Рассомлик амалиётида картон ишлашда (композиция учун ёрдамчи чизматасвир) «Маркировочный», «Столярний» қалами графити узунлиги билан ўнғайлидир.

Италия қалами

Италия қалами чизматасвир учун мўжалланган қалам турларидан бири ҳисобланади. Асосий фарқларидан бири унинг ўта хира қора бўлиб, қоғозни штрихлашга ўнғай. Италия қалами портрет ва ялонғоч одам комати чизматасвирини ишлашда фойдаланилади.

Италия қалами XV асрдан маълум. Улар қаттиқ, ўртача ва юмшоқ турларда бўлади.

Чизматасвир кўмири

Россияда пўсти олинган мажнун тол шохчаларини куриитиб, ҳавосиз куйдирилиб *пресланган* кўмир тайёрланади. Куйдириш 300 градус температурада 3 - 5 соат давомида этади.

Чизматавир кўмирини ўзингиз ҳам тайёрлашингиз мумкин. Бунинг учун майда шохча таёқчаларини баландроқ консерва банкасига тик жойлаштириб хавосини камайтириш мақсадида кум билан тўлғазилади ва оловда куйдирилади. Куйдириш жараёни 3 - 5 соат давом этади ва кейин банкани бир сутка давомида очмасдан совутилади.

Яхши куйдирилмаган таёқча кулранг из қолдириб қоғозни тирнаши мумкин.

Чизматасвир кўмири илиқ қорамтир рангда бўлиб, холстга, қоғозга, кортонга енгил ётади. У тўқ қорадан оч - кулранг тусгача из қолдиради.

Чизматасвир кўмири таёқчалари узунлиги 110 мм ва диаметри 4 мм – да 50 донадан қутичага жойлаштириб ишлаб чиқарилади.

Прессланган чизматасвир кўмир қаламчаси

Россия корхонаси томонидан прессланган чизматасвир кўмир қаламчаси ҳам ишлаб чиқарилади.

Уни қайин дарахтини куйдириб жуда майда кукуни(кули) (50% дан 72%), қолгани лой(26% дан 50%) газ қуруми(3-8%) ва бироз ултрамарин(3 -5%) аралаштириб тайёрланади. Куйдириш эса 500-800 градусда 2 - 4 соат давом эттирилиб, ҳар хил қаттиқликда тайёрлаш мумкин. Туси таркибига қараб ўзгаради. Прессланган кўмир табиий кўмирга нисбатан қорамтир тус беради.

Прессланган кўмирни бир томонлама 45 градус бурчак остида ўткирланиб, нозик ва йўғон чизиклар чизиш мумкин.

Прессланган кўмир таёқчаси узунлиги 110мм, диаметри 8мм бўлиб қутичада 10 донадан ишлаб чиқарилади.

Иш жараёнида махсус ўчиргичда қоғоз юзида думалатиб ўчириш мумкин. Кўмирни қоғозга ишқалаш мумкин эмас. Вақт ўтиши билан прессланган кўмирда бажарилган чизматасвир қораяди. Кўмир билан ишлишда ғадир – будирли қоғоздан фойдаланганда кўмирни яхши ушлаб қолади.

Ўчириш учун резинка

Резинка ўчирғич юмшоқ хили (қалам учун) графит қалам штрихларини ўчириш учун ва қаттиғи сиёҳни ўчириш учун турлари бўлади.

Қалам ўчирғичи юмшоқ бўлиб, 6М ва 5М юмшоқ графит штрихларни ва кўмирда бажарилган чизматасвирни ўчириш учун

ишлатилади. Ўртача юмшоқликдаги ўчирғич қолган графит қалам изларини ўчиришга хизмат қилади.

Резинка ўчирғич бир тусли рангда ва икки қатламли: шакли – тўғри бурчакли, учбурчакли, ромб шаклида, думалок ва бошқа турларда бўлади. Резинкани бир томонини қия кесиб, нозик жойларни ўчиришга қулай қилинади.

Резинка ўчирғич бир неча номерда ишлаб чиқарилиб ўлчамлари билан фарқ қилади. Тўғри бурчакли резинкалар №1 ва №2 оқ ва тўқ кулрангдагилари мактаб ўқувчилари учун.

Корхона томонидан ишлаб чиқилган резинкалар орасида қаттиқлари ҳам учраб туради. Бундай резинкалар сифатини яхшилаш учун уни 1-2 суткага бензинга ёки 3-4 суткага керосинга ёки №2 эритма(разбавитель)га солиб қўйилади. Кейин резинкани эритмадан чиқариб тозаланади ва иссиқ сувга 1-2 соат солиб қўйилади, ана шунда бензин ва керосин ҳиди йўқолади. Резинка бироз вақт ўтгандан кейин яна қаттиқ бўлса, уни алмаштириш лозим.

Савол:

1. *Чизматасвир фани нимани ўргатади?*
2. *Чизматасвир фани нима ҳақида сўз юритади?*
3. *Чизматасвирда маҳоратни ошириш учун қандай ишларни бажариши керак?*
4. *Чизматасвир топишириқлари хусусияти қандай?*
5. *Чизматасвир курси вазифаларидан мақсад нима?*
6. *Гипсли шакллардан чизматасвир ишлаш нима учун керак?*
7. *Чизматасвирда натурадан ишлашдан мақсад нима ?*
8. *Чизматасвир ниманинг асоси ?*
9. *Чизматасвир нима ҳақида тасаввур беради?*
10. *Чизматасвирда нур ва соя нима учун керак?*
11. *Чизматасвирда ёруғлик нима?*
12. *Чизматасвирда ёруғлик нури нимани беради?*
13. *Чизматасвирда тус муносабати нима?*
14. *Чизматасвирда ёруғлик тусга таъсири қандай ?*
15. *Чизматасвир ранг ва тус муносабатлари нимада ?*
16. *Чизматасвирда ашёлари нима ?*
17. *Қозғал турлари ва унга талаблар қандай ?*
18. *Чизматасвир учун қалам турлари қандай ?*
19. *Чизматасвирда ўчирғичнинг вазифаси нимада?*

II. БОБ

2.1. Гипсли бошдан чизматасвир ишлаш

Чизматасвирга ўрганиш оддийдан мураккабга ўтиш методик жиҳатдан ўринли талаб ҳисобланади. Шунинг учун пастки курсларда одам тузилишини ўрганишда ҳайкаллардан кенг фойдаланилади. Антик гипсли ҳайкаллар аниқ ишланган қисмларини ўрганиш пастки курс талабалари учун услубий қўлланма сифатида қимматли аҳамиятга эгадир. Шакл тузилиши ва уларни бир бири билан боғланиши, мураккаб ҳажм қурилиши муносабатларини чизматасвирда ўрганиш талабаларга катта ёрдам беради.

Гипсли ҳайкаллар чизматасвирини ўрганиш бошланғич амалиёти кеинги курсларда одам қиёфасини ўрганишга катта замин яратади.

Бу жараён аниқ тасвирлашни, кўзни чиниктиришни, рассомни интизомга ва эстетик дидини оширишга хизмат қилади, тарбиялайди. Тасвирлаш жараёнида гипсли ҳайкалларда жонли одамларни ишлашга нисбатан, яъни кўз, соч, тана ранг тусини кўрсатиш каби мураккаб талаблар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам иш бошида рассомлар учун жуда қулай. Жонли одам бошини чизишда талаба бир қанча мураккаб шакллар тузилмасидан энг муҳимини ажратиб олиш вазифаси туради, гипсли ҳайкалда эса ҳайкалторош томонидан олдиндан ҳал қилинган.

Гипсли ҳайкал бошни устахона шароитида постановкасини деворга яқин жойда ва чирокни юқоридан қиялаштириб ёритиш ҳайкал қисмларини кўришга яхши имкон яратади. Суний ёритилишда ҳайкал ёруғ ва соялари, яримсоя, рефлекслар ўзгармайди, бу эса узоқ муддатли ишлашни осонлаштиради. Табиий ёруғликда ҳайкал кам контрастда, соялар ҳаракатда бўлиб, узоқ муддат ишлашни қийинлаштиради. Ҳамма томондан яхши кўриниши учун ўртага ва горизонт чизиғидан юқорироққа жойлаштириш лозим.



5 а-расм



5 б-расм

Асосий вазифани бажаришдан олдин хомаки чизгилар иш-лаш яхши натижа беради. (5 а, б-расм).

Натурадан ишлаш жараёни алоҳида бошқичлардан иборат: **биринчи бошқичда** бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши, ён томонга эгилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг паст-игача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кўлок чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бури-лишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурада синчиклаб кузатганимизда биринчи ва орқа пландаги-ларни чизиклар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамыз.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқориги қисми горизонтал текислиги катталашади.

Бош пастга эгилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз.

Бошнинг ракурс ҳолатини таёргарликсиз чизматасвири-ни ишлаш қийинчилик тўғдиради. Чунки шакл текисликлари қисқаради ва томошабинга яқинлашган ўлчамлари катталашади.

Бош гавда билан бўйин орқали гармоник боғланган. Бўйин цилиндр шаклга эга бўлиб, гавда бўйин йўғонлигида чегарасининг иккита паралел чизиқ чизиб аниқлаш орқали боғланади. Бундан ташқари бош чап ёки ўнга бурилган бўлса гортан ва бўйин мускуллар ҳолати ҳам шунга яраша ўзгаради.

Талаба иш жараёнида масштабни ўрганиб, кўзни чиниқтиради, кўшимча усулларини, қалам ёрдамида тўғри чизикни аниқлайди. Иш жараёнининг бошидан охиригача натурадаги катта ҳажм ўқини, мутаносибликни сезишга кўзни чиниқтиради.

Бошнинг узоқлашувида асосий қисмлари қисқаришини умумий ҳажмда кузатиб қуруш жараёнида қайта - қайта текшириб, аниқлаб бориш лозим. Натурани яққол тассавур қилиш кўзни машқ қилиш натижасида эришиш мумкин.

Ишнинг иккинчи босқичида бошни чизикли қурушдан кейин шалларга тус берилади. Тус беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

Рангли тошлар (мармар, гранит, бронза)дан ишланган ҳайкал силуэт кўринишда бўлиб блик(ялтироқ жойи) қисми энг оқ кўринади. Биз қанчалик уринмайлик шал қисмларини оқ гипсдагидек сезмаймиз.

Бошнинг ёритилган қисмида анатомик жиҳатлари аниқроқ кўринишдадир. Шаклдан шаклга ўтиб уларни бир бири билан боғлашни билиш учун бош суяклари ва мушакларини яхши тас-савур қилмоқ керак. Бусиз натурани мазмунини тасвирлаш асоси-ни ҳал қилиш мумкин эмас.

Антик ҳайкаллардан ишлаш пайтида унинг ёнига анатомик бошни кўйиш (Гудон ёки Донателло ҳайкаллари) яхши натижа беради. Бошнинг суяк ва мускуллари орасидаги боғликни билиб олиш учун уларни чизмоқ зарур. Бошнинг қурулмасини чизиб ўрганиш фақат ўқув дарсларида эмас, балки узоқ муддатли чизма-тасвирда ҳам пластик ва конструктив тузилишини амалда ишлаб бориш зарур.

Бошнинг думалоқ шаклини ва унинг алоҳида қисмларини ишлашда шуни эсда тутиш керакки шакл беришда ортикча қорайтиришлардан холи бўлиш лозим.

Бошнинг қурулмасида характер ва ҳаракатни аниқлаб, қисмларини умумлаштириб тугатилади. Чизматасвирда бошнинг қурулишини қайта қайта текшириб яққол кўриниш шаклини тасвирланади.

Тасвирдаги шаклнинг образини, мукамал гўзаллигини, унинг бадий қимматини бераолиш керак. Шу мақсадда Давиднинг бошини тасвирлаш машқи жуда фойдали. Гипсли бош постановкасини оддийдан мураккаб принципи асосида ишлаш (масалан, олдин Гера, Зевс, кейин Геракл ва Леокоон ҳайкали) мақсадга мувофиқ (6 а, б-расм).

Антик ҳайкаллардан узоқ муддатли чизматасвир ишлашдан ташқари бир қоғоз текислигида 2-3 бурилишдаги бош тасвирини ишлаш мумкин. Қисқа муддатли чизматасвир (10- 12 соат ҳар бир бош учун) композиция вазифалари учун ҳам муҳим. Бошнинг фазодаги ҳолатлари олдин эскизда ишлаб, кейин эса асосий қоғоз текислигида ишланади. Ҳар 25- 30 минутдан кейин кўриш нуктаси ва горизонт чизигини аниқлаб, навбатма - навбат чизматасвири натураддан ишланади.

Ҳар хил нуктадан бошнинг қурилмаси ташқи шакллар қисқариши, эгилиши ва бурилиши



6 а-расм



6 б-расм

конструктив асосига боғлиқ бўлиб чизматас-
вирда моҳирлик ва ҳис қилган ҳолда ифодалана-
ди. Уч бошни бир текис-
лик юзасида тасвирлаш-
да композицияни яхши
жойлаштириш зарур, ҳар
биттаси яхши қурулган,
шунинг билан бирга ту-
галланиш даражаси ҳар
хил бўлиши мумкин.

Бир бош тасвири-
ни текисликда ажратиб,
қолганлари эса унга ёр-
дамчи сифатида умум-
лаштирилиб ифодалана-
ди.

Чизматавир топши-
риғини бажаришда
графит ва кўмирли ўр-
тача қаттиқликдаги қа-

ламлардан; ТМ, В, юмшоқ 2М, 2В, ретуш №2 ва оддий чизматас-
вир қоғози ёки ярим ватман ва бошқалардан фойдаланиш тавсия
этилади.

Ўрганишнинг бошидан ҳар хил ашёларда хомаки чизги-
ларда чизматасвирнинг кўп техник имкониятларини эгаллаб бо-
риш зарур. Натураларда ҳайкаллар, ёдгорликлардан фойдаланиб
альбомларни ёддан ва тасоввур орқали тўлдириб бориш кўзни
чиниктиради ва кузатувчанликни ривожлантиради.

2.2. Одам боши Гудон гипсли ҳайкаллари чизматасвири

Талабаларнинг маъруза пайтида анатомиядан олаётган наза-
рий билимларини етарли деб бўлмайди. Бу билимларни анатомик
кўринишлар тасвирдан амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш

зарур. Шу мақсадда дастурга ҳайкалтарош Гудоннинг «анатомик тана» ҳайкали постановкаси қўйилган. Анатомик кўринишлардаги одам тузилишини шу тарздаги ҳайкаллардан ўрганмай туриб, одам танасининг мураккаб шаклий тизимини тушуниб ололмайди ва унга етарли даражада илмий талқин беролмайди.

Гудоннинг анатомик тана ҳайкали инсон танасининг муганосиблиги ва тизими, тана мушаклари, пайлари, деталлари, шакллари билан яхшироқ танишиш имконини беради. Иш жараёнида анатомия фанидан олган билимларни савол - жавоб тарзида текшириб борилади. Шунда танани тасвирлаш жараёни қизиқарлироқ бўлади ва амалий жихатдан самара беради.

Француз ҳайкалтароши Жан Антуан Гудоннинг «анатомик тана» асари инсон танасининг табиий катталиқда яратилган ягона намунаси ҳисобланади ва узоқ йиллардан буён анатомияни ўрганишда кўргазмали қурол бўлиб келмоқда.

Анатомик нуктаи назардан қоматда айрим ноаниқликлар бор, уларни назарда тутиш зарур. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Олдинги тишсимон мушаклар боғламининг катталиги ва параллеллиги катталашиб кетган.

2. Қориндаги тўғри мушаклар шаклларининг геометриклиги ортикча катталаштирилган.

3. Мушакларнинг гўштдор ва пайдор бўлимлари (масалан, трапециясимон) етарлича талқин этилмаган.

4. Умуртқа суяқларининг ўқсимон ўсимталари бироз нотўғри белгиланган.

Гудон «Анатомияси» юраётган инсон қоматининг шакл ва ўлчамларини меъёрдаги талқин асосида тасвирлайди. Шунинг учун бу танани тасвирлаш ва ўрганиш чоғида жонли одам-



7-расм

га хос бўлган одатдаги мутаносиблик билан танишиш мумкин. Гудон яратган гана ҳайкалини уч кўринишда бажариш тавсия қилинади.

Бу постановка устида ишлаш чоғида унинг анатомик қисмларининг алоқалари ва муносабатлари, бажариладиган вазифалари ва ҳажмий - қурилмавий хусусиятлари кабиларни тўла тушуниб етган ҳолда тасвирлаши лозим бўлади. Шу постановка юзасидан бажарилган айрим ишлар юқоридаги ёндашувда намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. (7 - расм.)


2.3. Одам боши чизматасвири

Бош суяги(череп). Пластик анатомия фанида калла суякни анатомик, морфологик ёки антропологик фарқли ўлароқ ўрганадилар. Шунга қарамасдан антропологик кузатишлар рас-сомларга бошнинг шаклини ва юз тузилишини чуқур анализ қилишга имкон яратади (8 а, б, в, г, д-расм).


Бош суяк икки генетик қисмдан: мия (пешона қисми), орқа мия қисми, яноқ ва бошқа суяклар; юз қисмида эса юқори ва пастки жаглар, бурун суяги, яноқ ўсимтаси ва бошқалар ҳисобланади. Бош суягининг юз қисми кичрайиши ва мия қисмининг катталашуви ҳайвондан одам бош суягининг эволюцион ўсиши тенденцияга асосланади.

Одам бош суяги эволюцияси ёшига, жинси ва миллатига бош суяги шаклига қараб конструктив ўзгариши рассомлар олдида кўп қиррали ранг – барангликни ҳосил қилади.

Портрет яратишда бош суягини қурушдан ташқари бир қатор муҳим характерни очиб бериш рассомдан моҳирликни талаб қилади.



8 а-расм



8 б-рasm



8 в-рasm



8 г-рasm



8 д-рasm


2.4. «Одам боши уч кўринишда»ги чизматасвири.

1-курсда бош чизматасвирини ишлаш умумий қонунлар билан танишиб, анатомия бош суягини уч хил кўринишда тасвирлашни амалда бажариб ўрганилади. Юз мушаклари ва қисмларини тирик одам бошида ишлаш босқичлари гипсли ҳайкаллардан чизматасвир ишлаш билан бир хилдир. Бош чизматасвирини ишлашдан олдин уни композициясини қоғоз юзасида излаш керак. Контур чизиклари ёрдамида бошнинг бурилиш ҳолатларини, бош ўлчамлари нисбатларини аниқланади. Кейин ёрдамчи чизиклар ўтказиб бош қисми тузулишини белгилаб чиқилади. Ўқ чизик ёрдамида бурун асоси, лаб ва жағнинг пастки қисми аниқланади. Профил чизиғи орқали бошнинг бурулиши, эгилиши ва горизонт чизигига нисбатан ҳолати белгиланади. Ундан кейин бошнинг ҳамма текислиги (юз, ёноқ, пешона усти) ва перспектив қисқаришларини аниқлаб, диққат билан пешона дўнглиги, кўз чуқурчаси, бурун олд ва ён текислиги, бурун қанотчалари, яноқ суяклари ва пастки жағ текисликлари аниқланиб жойлаштирилади.


Юзнинг ҳажм, характер ва нисбатларини аниқлаб, енгил штрихлар ёдамида нур - соя белгиланади. Бошни ҳамма томонидан кузатиб унинг юз характери ишланади. Ундан кейин нур - соя, рефлексларни аниқлаб туслари кучайтирилади, ортикча чизиклар олиб ташланади ва умумий ҳолатга бўйсундирилади. Чизматасвир ишлаш жараёнида талаба диққатини бошнинг нисбат(пропорциялар)га, композиция ва характерга қаратилади. Талаба натурани ҳар хил бурилиши ҳолатида кузатишни, бош текисликларини муҳитдаги ҳолатини, қисмларини ўзаро боғлиқлигини, уйғунлигини, юз мускулларини нур - соя ва тус, қисмларини пластик ечимини, умумий ҳолатга бўйсудирини билиши керак. (9 а, б, в-расм).

9а расмда ишонарли қурилган бош тасвирланувчига ўхшашлиги кўрсатилган. Унда индивидуаллик характери шакл ва нисбатлар аниқлигида, жозибали ишлов бериш билан тусда бажарилган. Аммо қисмларга ишлов беришда етарли аниқлик ва чуқур саралашда хатоликка йўл қўйилган бўлиб чизматасвирни бадийлик жозибасини камайтирган.

9-а-рсм 6



9-а-рсм 6





9 в-расм

Бошқа 10а - расмда тасвирланувчи характери ни ҳис қилиш ўткирлиги билан фарқ қилади. Эркак кишининг боши жуда характерли, яхши қурилган тирик одамни боши муҳитда яхши тасвирланган. Тус ечими тасвирланувчига мос. Бош қисмлари етарли даражада ишланган. Чизматасвир ижобий сифатга эга бўлиб, ашёвийлиги, аниқ қурилиши, образни очиб берилиши, муҳит ва ҳавойи перспектива ҳолатини кўрсата олган.

Бу чизматасвирларда бажарилиш услублари, дастхати, вази-фалар талабалар томонидан бажарилиши дастурга мувофиқдир ва бадиий реализм мактаби талабига мосдир.

2.5. Одам бошини елкаси билан ишлаш.

Талаба биринчи курсда бош чизматасвирининг умумий қонуниятлари билан, бош суяги, юз мушаклари ва аъзолари анатомияси билан танишиб олгач, бошни турли томондан ва ракурсларда тасвирлашни амалий эгаллаб, жонли бошни тасвирлашга


киришади. Жонли (натура) бош устида ишлаш босқичлари гипсли бош устида ишлаш босқичлари каби давом этади.

Қоғоз юзасига композицион жойлаш асосида, бошни чизиш бошланади. Бошнинг катталиги, унинг жойлашув ўрнини енгил чизиклар билан белгилаб олгач, талаба ўлчамлар мутаносиблигини аниқлайди. Сўнгра юз қисмлари тузилишини белгиловчи ёрдамчи чизиклар ўтказилади. Юз қисмдаги ўрта чизикда бурун асоси, огиз чуқурчаси ва жаг кабилар белгиланади. Тўғри чизик бошни қайси ҳолатда чизилишини, кўз чуқурчалари устидан ўтказилган чизик бошнинг эгилганлик даражасини ва унинг ётиқ горизонтал чизикда нисбатан ҳолатини белгилайди. Сўнгра бошнинг барча қисмларини (юз, ён, энгак ва бошқаларини) топиш зарур бўлади ва уларнинг турли эгилганлик ҳолатидаги масофада қисқариши қатъий белгилаб олинади. Бош ҳажмини аниқ кўрсатиш учун, энг аввало, пешона суяги ва унинг дунгликлари, яъни қош ёйи, кўз чуқурчалари кабиларнинг юзасини диққат билан чиқариш зарур бўлади; сўнгра буруннинг олд ва ён юзаси, бурун парраклари, туртиб чикиб турадиган ёноқ суяклари ва пастки жаг белгиланади.

Юзнинг ҳажми, хусусияти ва мувофиқлигини белгилаб олгач, енгил чизик билан ёруғ - соялар берилади. Сўнгра юз хусусиятини англаб олиш учун турли томондан тузилмага мослиги аниқланиб ҳар бир қисмга ишлов берилади ҳамда аста шакл ҳосил қилинади. Шундан кейин ёруғ - соя, рефлекслар аниқроқ чиқарилаверади, тус кучайтирилади, ортиқча қисмлар олиб ташланади, уларнинг барчаси тасвирни яхлитликка бўйсундиради.

Чизматасвир устида ишлаш чоғида талаба эътибори тузилма мутаносиблиги, композицияси ва хислатига қаратилади. Талабани бош тузилмасининг турли ҳолатларини кузатишга ўргатилади ва ҳамиша бошнинг фазодаги ҳолати, бош суяги ва юз мушаги, юзнинг турли ўзгариш пайтида қисмларнинг ўзаро алоқаси, ёруғлик тус ва тус қисмларига пластик ишлов бериш, уларнинг яхлитлийликка бўйсундирилишини ҳамиша эслаб қолиш зарур.

Кўрсатиладиган чизматасвир (10 в-расм) катъий ва ишончли тузилмага жуда мос келади. Унда шаклнинг шахсий хусусиятини чуқур тушуниш ва мутаносибликнинг аниқлиги, шаклнинг тус



10 а-расм



10 б-расм

билан аниқ ва маънодор андозалангани яккол кўриниб турибди. Аммо ёритилган қисмларига ишлов беришда ҳафсала ва чуқур танлов етишмайди. бу чизматасвирнинг ифодалилигини сусайтиради. (10 а, б, в-расм).

Бошқа (10д-расм) чизматасвир ҳам портрети ишланаётган шахс хислатларининг ўткир талқини билан ажралиб туради. Қариянинг жағи ифодали, яхши жойлаштирилган, маконда жонли шакл ҳисси сакланган. Ушбу андоза учун тус тўхтамининг градациялари муваффақиятли ҳал этилган. Бош етарли даражада қисмлар ишлови билан бойитилган. Чизматасвир моддий дўнглик аниқ қурилганлик инсон образига чуқур киришганлик макон ва фазовийликни ҳис қилиниши каби бир қатор ижобий хислатларга эга. Аммо бу чизматасвирда ҳам бошнинг суяк қисми юзаси етарли даражада аниқ эмас ва шаклнинг бир қадар хомлиги сезилиб туради.

Турли усулларда чизилган бу барча чизматас-

вирларда талабаларнинг дастурга кўра кўйилган вазифаларини диққат билан бажаришга интилиш сезилади. Агар чизматасвирдаги айрим етишмовчиликлар олиб ташланса, улар шубҳасиз олий мактаб талабларига жавоб беради.

Жонли андозадан узоқ муддатли сурат чизиш, ёддан хомаки нусхалар ва лаҳзалик чизгилар бажариш билан бир қаторда анатомиядан қатъий билимларни талаб қиладиган ва энг муҳими натурадан чизиш чоғида улардан омилкорлик билан амалда

кўллаш оладиган кўникмаларни ҳосил қиладиган, ёддан мустақил расм ишлашда бу билимларни эркин қўллашни талаб этадиган анатомик чизматасвир бўлажак рассом фаолиятида муҳим ўрин тутаяди.

Анатомик чизматасвир талабаларга чуқур билим бериш хусусиятига эга бўлиши лозим. Шу мақсадда француз ҳайкалтароши Гудон тарафидан яратилган инсон анатомик калласи ҳайкали кўйилиши мумкин. Уларни шундай қўйиш ва ёритиш керакки, бунда бошнинг мускуллар тизими аниқ кўриниб турсин, талаба ундан кўпроқ билим олсин, мускул қурилмаси ҳамда калла шаклини турли ҳолатларда ва жағлар бирон нарса чайнаётгандаги вазияти, суяклар бирикуви кабиларни яхши ўргансин. Бунда бошни олд, ён, ярим бурилиши каби турли ҳолатларини тасвирлаш тавсия этилади. Чизматасвирлар миқдори ҳар бир алоҳида талаба учун зарур бўлган даражада белгиланади. Талаба навбатма - навбат калла суяги деталларини яхши ўзлаштириб, бошқа деталларни ўрганишга аста секин ўтабозлайди. Баъзида бошнинг анатомик



10 в-расм

тартибини ўрганишга кўпроқ вақт талаб қилинади, шунга кўра талаба кўплаб чизгиларни бажариши зарур бўлади.

Талаба чизаётган чизматасвири ҳажми бошнинг табиий ҳажмидан ошмаслиги (бошнинг жонли андозаси ҳажми назарда тутилади) керак. Ҳар бир чизматасвирга тахминан икки - тўрт соат ажратилади. Чизматасвир, асосан, қалам билан чизилади, лекин перо, сангина, кўмир каби бошқа ашёлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўрган нарсаларини хотирага олиш қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида натурадан чизматасвирни тугатгач айнан ўша андозани муқобил ҳаракатлар билан тасвирланадиган хотирадан қисқа муддатли тасвирларни бажариш тавсия этилади. Хотирадан чизматасвирлар тасвир жараёнига кўра натурадан бажариладиган тасвирлар билан алмашилиб туриши мумкин.

Хотирадан чизматасвирлар бош анатомиясини ўрганишдаги тасвирий хотирани мустаҳкамлаш имконини беради. Бундай чизматасвирлар талаба назарий билимларини ва амалий кўникмаларини тўла эгаллагани аниқ бўлгунча такрорланиши лозим.

Анатомик бошни турли ҳолатларда тасвирлаш билан бир қаторда унинг алоҳида қисмлари бўлган кўз, бурун, оғиз, кулоқ кабилардан қисқа тасвирлар бажариш фойдали. Бу талабага ҳар бир қисмнинг, ҳар бир мушакнинг алоҳида қурилмасини чуқур ва эътибор билан ўзлаштиришига, уларнинг шакл қурилмаси ва боғлиқлигини тушунишга ёрдам беради.

Бошнинг юқорида таъкидланган қисмларининг ҳар бирини тасвирлашни мажбурий қилиб қўйиш шарт эмас, бу ҳолат ўрганилаётган маълумотни қанчалик тез ўзлаштириб олиш ва тайёргарлик даражага боғлиқ.

Инсон боши анатомик тасвирини бажариш чоғида бош суягидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлса, унда талаба бошнинг мушак қопламаси ва бош суяги орасидаги бевосита алоқани тушуниб яхшироқ эслаб қолади.

Бош ва айрим қисмларининг тузилиш хусусиятларини онгли равишда ва мустаҳкам эгаллаб олиниши узоқ муддатли чизматас-

вирларда ҳам, хотиравий чизматасвирларда ҳам аксини топмоғи талаб этилади.

Инсон анатомиясини назарий ва амалий жиҳатдан эгаллашни асосан пластик анатомия курси машгулотларида кенг ўрганилади.

Анатомик чизматасвир топшириқларини фақат бошнинг асосий мушакларини статик ҳолатда ўрганиш билангина чегараланиб бўлмайди. Барча мушакларни ва уларнинг ўзаро бирикувиш шакл ва ҳажми, турли ҳаракат ва қисқаришлардаги ўзгаришини чуқур англаш лозим, айниқса имо - ишора билан боғлиқ мушаклар ва уларнинг инсон ички ҳолатига боғлиқ томонларига эътибор қаратиш муҳимдир. Мураккаб вазифаларни бажармай туриб, ҳақиқий рассом, психологик портрет ёки тематик сурат устаси бўлиб етишиши қийин.

2.6. Одам боши мураккаб ракурсада.

«Ракурс ҳолатни тасвирлашни ўрганишдан олдин бажариладиган бошни ён томондан ва ракурс кўринишларда чизиш» топшириқларига «калла суягини турли кўринишларда тасвирлаш» топшириги муқаддима бўлиши керак. Бу инсон бош тасвирига ўтишда ниҳоятда зарур. «Калла суягини турли кўринишларда» тасвирлаш бош суягининг тузилиш хусусиятлари ва унинг қисмларининг ўзаро алоқаларини ўрганишни назарда тутди.

Ушбу топшириқ калла суягининг турли кўринишларини ўрганишни тақозо этади. Унинг рўпарадан, тўртдан уч қисм кўриниши ва ён тараф ҳолати чизилади. Бу турли бурилиш ва ракурслар ҳамда бошнинг айрим қисмларининг табиатда жисм ва қоматнинг алоқасидан вужудга келувчи фазода юз берадиган қоидаларига бўйсинувчи жараёни ўзаро мутаносибликни белгилаш кабиларга эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Ракурс - табиатда жисм ва қоматнинг мураккаб ҳолати. Бу (11а,б-расм) ҳолатда қаралаётган объектнинг инсонга олд қисми каттароқ, узоклашаётган қисми кичиклашиб боради.

Калла суяги чизматасвирини бажаришга камроқ вақт ажрати-

лади, хусусан, дастлабки иккита чизмага олти - саккиз соат, учинчисига ун икки - ун олти соат вақт ажратилади, негаки у аввалги иккита чизманинг устида ишлаш жараёнида олинган билимларнинг амалдаги натижасини намоён этиш имкониятини тугдиради. Кўп йиллик педагогик тажрибадан кўринадики, вақтнинг бундай тақсимланиши талабани портрет чизишдек қийин топшириқни бажаришга аста - секин киришувига яхши дебоча бўлади. Ҳар учала суратни бир ўлчамда чизиш тавсия этилади, бу бошнинг турли ҳолатларидаги тузилиш хусусиятлари ва шакли, ўзига хосликларини тезроқ тушуниб олишга йўл очади.

Чизматасвирни шошмай, шаклнинг фазодаги (айниқса, ракурсдаги) ҳолатини яхшилаб кузатиб, кейин иш бошлаш керак. Бошнинг умумий кўриниши, унинг катталиги ва мутаносиблигини белгилаб олгандан кейин, ўрта (симметрия) чизикни аниқ мўлжаллаб олиш зарур. Қош, кўз, бурун ва оғзи ифодаловчи чизиклар ўтказилади, уларнинг орасидаги масофа белгиланади, негаки бош ён томонга бурилганда ва ракурсда бу чизиклар орасидаги масофа ўзгаради. Буларнинг барчасини чизмага киритиб ва мутаносибликни яхшилаб текширгандан кейин бошнинг айрим қисмларини аниқроқ ифодалашга киришиш мумкин. Бунда уларнинг шаклини аниқ берилишига ва умумийлик хусусиятини назардан қочирмасликка ҳаракат қилиш зарур бўлади. Бошнинг ракурс ҳолатларида шакл бирон қисми юзасининг қисқариши ва бошқасининг катталаниши қандай руй беришини доимо фикран тасаввур этиб бориш керак. Масалан, юқорига кўтарилган бошда вертикал жойлашган пешона, бурун, ёноқларнинг қисқаришини кузатсак аксинча, горизонтал жойлашган кўз доиралари, буруннинг пастки юзаси, лаблар, жағ ва бошқаларнинг катталанишини кўрамыз. Бош пастга эгилганда бу қисмларнинг ҳолати шунга кўра ўзгаради. Суратни қоғоз юзасида жойлаштиришдан бошлаб тугаллашгача жисм ёки қомат тус устидаги ишлар давом этар экан, уни фақат шаклни аниқлаб тўзиб олиш учун зарур бўлган даражадагина олиб борилади. Кўпроқ вақт ажратиладиган учинчи босқичда тус жиҳатдан бажариладиган ишлар шаклни якуний ифодалашга хизмат қилади ва ҳаққоний тасвир ҳосил қилинади (11 а, 11 б-расм).



11 а-рasm.

Симметрия (ўрта чизик) - рассомчиликда инсон юзи тасвирида профил чизиги деб ҳам аталади. Калла марказидан ўтувчи чизикқа доимий кўз ташлаб текширадиган ёрдамчи восита сифатида инсон ҳарактерини аниқлашда аҳамияти бекиёс.



II б-расм

Ўқув топшириқлари, барча босқичларда вақти - вақти билан калла суягига мурожаат қилиб туриш, бошнинг маълум вазиятидаги ҳолатидан лаҳзалик чизмалар ва ҳомаки нусхалар ишлаб бориш чизматасвир маҳоратини оширади. Тасвирланаётган инсон бошини кўпроқ тушуниш учун калла суяги билан доимо чоғиштириб бориш бош тасвирини бажаришда яхши натижалар беради.

Бадий таълимнинг пастки курсида бажариладиган топшириқлар талабалар олдига кейинги курсларда қўйиладиган мураккаб вазифаларни бажаришларига замин

тайёрлаб, тасвирланаётган инсон образи ечимларига ижодкорлик билан ёндашишлари, ҳамда психологик мақсадларни амалга оширишларига катта ёрдам беради.

2.7. Гипсли одам қомати чизматасвири

XX аср охиригача Россия Бадий Академия ўқув юртларида чизматасвирда ўқувчилар антик ҳайкаллардан, шунингдек, Уйғониш даври ҳайкаллари намуналаридан фойдаланиб келганлар. Рус тасвирий санъатидаги чизматасвирнинг юқори даражалиги бу фанга нақадар аҳамият берилганини кўрсатувида Бадий Академияда XVIII ва XIX асрда катта этибор берилганлигида-

дир. Академия эски дастурида ҳайкаллардан чизматасвир ишлаш ўқитишнинг асосий қисми ҳисобланган.

Гипсли ҳайкаллардан чизматасвир ишлаш билими анатомия фанини билишдек катта эътибор берилган. Бадий Академия ўқувчиларининг ижодига диққатни қаратсак А.Иванов, К.Брюллов, О.Кипренский, И.Репин, В.Суриков, М.Врубель, В.Серов, Ф.Малявин каби рассомларга гипсдан ишлаш машғулотлари катта ёрдам берганини кузатишимиз мумкин. Уларда жонсиз гипсли натуралардан ишлаб малакасини оширишга ҳалақит бермаганини кўрамыз.

Классицизм даврида антик ҳайкаллар идеал намуна бўлган бўлса, XIX асрнинг реалистик мактабида гўзал, тенгсиз чизматасвирнинг ўқув қуроли сифатида фойдаланилди.

Пастки курсларда комат тузилишини яхши ўрганиш учун Антик ҳайкаллар чизматасвирини бажариш машқи яхши натижа беради:

Биринчи топшириқ (вазифа) учун антик қиёфалар оддий, аниқ умумлаштирилган қисмлари («Дорифор», «Дискабол») ҳайкаллар қўйилиши мумкин.

Иккинчи топшириқ учун пластик ва мураккаб характердаги («Апоксиомон», «Венера Милосская» ва б.) ҳайкаллар қўйилади.

Гипсли ҳайкал қиёфаларини постановкада суний ёритиш асбобларидан фойдаланиб, характерли томонларини аниқ кўрсата оладиган қилиб ёритилиши зарур.

Ёруғлик юқори ён томондан тушиши амалиётда яхши натижа берган. Бу ҳолатда қиёфада ёруғликнинг узоқлашуви натижасида соя ва нурнинг хиралашуви, контрастнинг юмшоқлашиб бориши талабанинг ўқув вазифаларини босқичма босқич бажарилишини кузатиш имконияти мавжуд бўлади.

Гипсли ҳайкал қиёфасини нейтрал кулранг фонда қўйишда ёруғ қисми фон рангидан оқ кўринишда, сояси фоннинг ёритилган қисмидан қорамтир, рефлекслари қиёфадан фонга тушган соядан ёрқинроқ кўринишда бўлиб, тасвирлашни ифодали бўлишини таъминлайди. Гипсли қиёфани ишлашдан олдин талаба тўғри тўртбурчакли қоғоз шаклига эга бўлиши керак. Бу талаб жиддий аҳамиятга эга бўлиб, чизматасвирда вертикал чизиқни



11-расм

ҳис қилишга, пастоновкада ҳаракат ҳолати нисбатларини тасвирлашга ёрдам беради (12-расм).

Вазифани бажариш учун ярим ватман (A2) формат қоғозда қиёфа чизматасвири учун оптимал вариантдир. Чизматасвири ишлаш учун ашёлардан ўткир учи чиқарилган графит қалам мақсадга мувофиқ бўлиб, гипс образини бераолади.

Талаба гипсли қиёфани чизиш жараёнида яна икки нарсани; вертикал чизик ҳолатини кўрсатувчи тошли ип ва горизонтал чизикни қалам ёрдамида аниқловчи бўлганида ҳайкалнинг ҳар қандай нуқтаси жойлашув нисбатларини аниқлаш имконияти ҳосил бўлиб, талаба

махоратини оширишга ёрдам беради.

Леонардо да Винчи қиёфа бўйидан уч ҳисса масофада узокдан ишлашни тавсия қилади. Ана шунда қиёфа ҳақиқий масштабини тўғри ҳис қилинади. Икки ҳисса масофада ҳам ишлаш мумкин, чунки кўзни у ёки бу нуқтасига қарашни имконияти мавжуд бўлиб тўла ҳис қилишга ҳалақит бермайди. Чизматасвири бошладан олдин қиёфани қоғоз текислигига жойлаштириш композицияси ҳақида ўйлаш керак. Бунинг учун чизматасвир ишлашдан аввал қиёфани тасвир ўлчами ва уни жойлаштиришнинг хомаки чизматасвирини ишлаш мақсадга мувофиқ.

Композиция тузилишида фас (олддан) кўриниши ёки ён томондан кўринишига қараб қоғоз юзаси марказига, ёки марказдан четроқда жойлаштириш мумкин.

Хомаки чизматасвирда топилган композицияси варианти асосий қоғозга кўчирилади ва бошқа ўзгартирилмайди, факат шакл нисбатларини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Композиция жойлашуви қоғоз текислигида ортиқча катталашган ёки кичиклаштирилган ҳолатда бўлмаслиги керак. Чунки қиёфанинг ўқилиши ва образига путур етказилади.

Навбатдаги вазифа – ўқ чизигини аниқлаш бўлиб, бунда елка суяклари орасидаги нуктадан тос суяги орқали тизза чиғонағи юқори қисмидан тўғри чизиқ чизиб ҳосил қилинади. Бундай аниқланган ўқ чизиги қиёфанинг тик ҳолатида унинг ағдарилиб кетмаслигини, оғирликни тўғри тақсимлаш каби жиҳатларини таъминлайди.

Қиёфани олд томондан, фасдан чизилаётган бўлса, ўқ чизигини аниқлаш осон. Агар тўртдан уч қисми ёки профил кўринишда бўлса бирмунча қийинчилик туғдиради. Чунки қиёфада перспектива ва шакллар ўзгариши ҳосил бўлади.

Чизматасвирда қиёфа қизиқарли ва жозибали бўлиши учун горизонт чизиги қиёфанинг пастроғидан ўтган ҳолатида ҳосил бўлади. Антик ҳайкаллар маҳобатлилик характерга эга, шунинг учун ҳам қиёфага пастроқдан қарашда унинг характерли томони янада очилади.

Навбатдаги босқич – таянч нуктаси атрофида шаклларнинг қурулишини аниқлаш. Агар қиёфага олд томондан қарасак елка суяклар ўртасидан ўтувчи чизиқда кўкрак қафаси, киндик, тос, корин мускуллари орасидан ўтиб, оёқ товони ораллигида бўлади.

Ўрта чизиқнинг икки томонида елка, кўкрак бези жойлашади. Бу шакллар нуктасини қайта – қайта текшириб аниқланади ва бошнинг катталиги вертикал чизиқ бўйича таққосланади.

Одатда чизматасвир қиёфанинг олд томонидан ишланади, баъзи ҳолатларда орқа томонидан ишланганда умуртқа дўнгликларининг еттинчи умуртқаси орқали таянч нуктасидан ўқ чизиги ўтказилиб текширилади.

Қиёфанинг олд томонидан ишланганда ён томон шакллари-нинг ўқ чизигига нисбатан аниқланади ва горизонтал чизиқ орқали таянч ҳолати аниқланади. Шунингдек қолган шакл қисмлари нисбатларини аниқлаб чизматасвир туси бажарилади.

Қиёфани қурулиш чизиклари қалам билан енгил белгиланиб ва етарли натижага эришгандан кейин баъзи кераксиз чизикларни бироз ўчириш мумкин.

Шакллар қурулиши аниқлангандан кейин ёруғ ва соя қисмларини таққослаш натижасида енгил штихлар билан туслаб борилади. Соядаги барча шакллар соя ҳажми таққослаш натижасида рефлексларни ҳам эздан чиқармаслик керак. Ёруғлик ва соя оралиғидаги яримсоялар боғловчи ҳисобланиб, уларни катта аниқликда тасвирлаш лозим.

Ҳажм – бу, муҳитдаги ҳамма томонидан текисликлар билан чегараланган, тусда шакл беришда ёритилган қисмлари ёркин бўлиб, сирпанчиқ ёруғлик нурдагилардан фарқ қилади. Бу талаб катта ва кичик шаклларга ҳам даҳлдир.

Айрим майда қисмларига ишлов беришда катта қисмларини ҳам эздан чиқармаслик керак. Шунинг учун ҳар доим катта ва кичик шакллар туси, шакл нисбатларини аниқлашда таққослаб боришни эздан чиқармаслик лозим. Баъзи талабалар аввал шакллар контурини белгилаб олиб туслай бошлаб хатоликларга йўл қўядилар. Шакллар чегараси ҳажмларни қуруш орқали аниқланиши ва уларнинг бир – бири билан боғланишини текширилади. Умуман гипсдан ишлаш жараёнини ҳамма чизматасвирга таалуқли бўлиб катта қисмдан майда деталларга ва охириги боқичда яна катта қисмларга ишлов бериб жами элементларини умумий образга, яққолликка, чизматасвир қурулишига қарғилади.

Савол:

- 1. Чизматасвирда гипсли бош ишлагидан мақсад нима?*
- 2. Гипсли бошдан чизматасвир ишлаш босқичлари қандай?*
- 3. Чизматасвирда Гудон ҳайкалларини ишлагидан мақсад нима?*
- 4. Чизматасвирда қандай хатоликларга эътибор бериш керак?*
- 5. Одам бошини натурадан ишлаганда қандай мақсад амалга оширилади?*
- 6. Чизматасвирда одам бошини уч кўринишда ишлагидан нима мақсад?*
- 7. Одам бошини елкаси билан ишлагидан мақсад нима ?*
- 8. Одам бошини рақурсда ишлагидан мақсад нима ?*
- 9. Одам боши чизматасвирида қандай мурқаблик мавжуд ?*
- 10. Чизматасвирда гипсли одам қоматини ишлагидан мақсад нима ?*
- 11. Гипсли қомат ишлаганда нимага эътибор бериш лозим ?*

III. БОБ

3.1. Одам қоматини склет ва мускулларни анатомик қисмларга ажратиб қуриш

Склет - бу одам қоматини чизматасвирда қуришнинг асоси ҳисобланади. Қомат қандай ҳолатда бўлмасин, склет қисмларни нисбатини сақлаш учун бош воситадир, таянч нуқтасини ва мувозанатни сақлашни таъминлайди.

Одам склети бош суяги, умуртқалар тизими, кўкрак қафаси, тос ва икки оёқ, қўл суяқларидан иборат.

Баъзи суяқлар ўзаро чоклар билан(бош суяги) ҳаракатсиз боғланган бўлса, бошқалари суяксимон қотишма билан (кўкрак қовурғалари ва бўғинлар) ҳам ҳаракатли боғланган.

Бўғин бу суяқларнинг ҳаракатдаги боғланиши бўлиб, одам қомати шаклларининг пластика ва ҳаракати шуларга боғлиқ.

Гавда асосини умуртқа тизимининг юқори қисмида кўкрак қафаси жойлашган бўлиб, кўкрак қафаси пастки қисми 7, 8, 9 ва 10 қовурға тоғайдан иборат. Кўкрак қафасининг юқорисида елка белбоғи жойлашган. Белқурак ташқи бурчаги қўл билан боғланиб елка бўғинни ташкил қилади.

Кўкрак қовурғаси юқори қисмига эгилган шаклда умров суяги бириккан. Умров суягининг кўкрак томони чуқурча ҳосил қилишда қатнашади ва елка камари чизматасвирини қуришда асосий нуқта ҳисобланади. Тос суяги тўртта суяқдан; иккита номсиз, хоч ва думгазадан ташкил топган. Номсиз суяқ ўзаро ҳаракатсиз боғланган. Шундай қилиб тос суяги симметрик ва яхлит қурилишни ҳосил қилади. Натурадан ишлаш жараёнида буни эздан чиқамаслик керак.

Склетнинг ташқи пастки қисмига сон суяги, оёқ суяги, ва товон киради. Гавданинг юқори қисми ва қўли қандай қурилган бўлса, пастки қисмлари ўлчами нисбатлари ҳам шундай аниқликда топилиши керак.

Мускуллар скелет суяклари билан қомат рельефини ташкил қилиб, скелет қисмлари ва қоматнинг ҳаракат ўзгариши билан ҳамроҳанг бўлади. Мускул ва суяклар ҳаракатда бўлиб, мускуллар ўз шаклини ўзгартиради, суяклар ўзгармайди, аммо ҳар хил йўналишда ҳаракатга келади.

Қомат қурилиши қоғоз юзасига жойлаштиришдан бошланади. Асосий нисбатлар скелет асосида аниқланади.

Агар қомат икки оёғида таянч турган, қўллари пастга қаратилган, скелет симметрия ҳосил қилган бўлса, тос суяги горизонтал ҳолатни ҳосил қилади. Таянч вертикал ўқ чизиғи икки оёқ оралиғига тўғри келади.

Агар қомат битта оёғига таяниб, иккинчи оёғи эркин ҳолатда бўлса симметрия ҳолати йўқолади ва вертикал ўқ чизиқ таянч оёғига яқин текисликка тушади.

Қомат чизматасвирини қуришда кўкрак қафаси, тос суяги ва оёқ ҳолатининг муҳитда жойлашувига қаратилади. Бутун қоматни боғловчи бўлиб тос суяги ҳисоланади.

Елка камарининг тос суяги каби ўқ чизиғи вертикал чизиқга эгилиши нисбатига боғлиқ. Қомат бир оёққа таяниб турган бўлса, тос суяги ўқи эркин оёқ томон эгилади (13 а, б-расмлар).

Пластик характери учун гавданинг олдидан кўринишида скелетнинг қисмлари алоҳида аҳамиятга эга. Қоматни қуришда скелетдан ташқари мускулларни ҳам билиш керак. Иш жараёнида бу билимларни усталик билан қўлланилади.

Катта кўкрак мускули (жуфт) кўкрак қафаси юзасида ётади ва елка суягининг юқори қисмига бириктирилган.

Олд тишсимон мускул кўкрак қафасининг ён ва орқа юзасига жойлашган. Мускул тишлари кўкрак қафасининг тўққизинчи қовургасидан бошлаб, белкуракнинг ички қиррасига бириккан. Ол ва юқридан катта кўкрак мускули билан, орқадан эса кенг орқа мускули ва белкурак билан қопланган. Шунингдек, кўкрак қафасининг бошқа томонида ҳам жуфт мускуллар жойлашган. Қорин мускули кўкрак мускули каби симметрияни ташкил қилади. Пластик жиҳатдан қориннинг ташқи қийшиқ ва тўғри мускули катта аҳамиятга эга.

Қорин тўғри мускули ясси бўлиб, ўрта чизиқнинг икки томони юзасига жойлашган ва қорин текислигида яхши кузатилади.

Ташқи қийшиқ мускул кўкрак қафаси пастки еттинчи кабиргадан бошлаб тос суяги оралигини тўлдиреди.

Орқа томон характери учун умуртқалар тизими ва унинг ўсимталари; думғаза, белкурак ва тос суяги аҳамиятлидир.

Трапециясимон мускул орқа ва бўйиннинг орқа қисмида жойлашган. Орқа энли мускули қоматнинг йирик мускулларидан биридир. У орқанинг пастки қисмини тўла эгаллайди. Кўкрак пастки умуртқадан бошлаб елка суяккача юқори қисми билан боғланади. Қўлни юқори кўтарганида қўлтиқ ости чуқурчаси яхши кўринади, буни эса кўкрак катта мускули билан орқа энли мускули ҳосил қилади. Чуқурчани тишли олд мускули қопламаси ва кўкрак қафаси ёрдамида пайдо бўлади. Орқа ҳаракатида ромба кўринишидаги мускул учбурчак шакли кўринишига эга бўлиб, умуртқанинг белкурак чеккаси ва кенг орқа мускули билан чегарланади (13 в. г, д, е, ё- расмлар).

Натура ишлаш амалиётидан маълумки таянч оёғи томонида жойлашган гавда мускуллари қисқаради, иккинчисида эса чўзилади.


Қоматнинг пастки қисмини қуришда баъзи қонун қоидаларни билиш керак: масалан, бир оёқда турган қоматда таянч оёқ томони юқори, эркин ҳолатдаги оёғи томонидагиси паст.

Таянч оёқни тос суяги билан монолит чизилади. Бошқа оёғи тос суяги бели бўғинидан пастга қараб товонгача қурилади. Сон суяги асосида бўғин, тизза қосаси, унинг орқа томонидан эса бўғин юзаси бел билан туташади. Таянч оёғи тизза бўғини юқори, эркин ўтирган оёқ тиззаси ярим букилган бўлиб, тос суяги пастга эгилган.


Чизматасвирни тўғри ишлаш учун қомат турган текисликни ҳам қуриш керак. Кейин текисликда товон шаклини қурилади.

Чизматасвирда қоматнинг ташқи шаклини кўсатишда дельтасимон мускул катта аҳамият, мазмун қасб этади. Қўл детал қисмида елканнинг икки бошли мускули қисқарганда сезиларли рельеф ҳосил қилади.


Ички елка мускули икки бошли мускул остига жойлашган. У олди елка суякнинг ўртасидан бошланиб, қўл юқори суягига ёпишган.




13 а-рasm




13 б-рasm




13 в-расс




13 з-р-см



13 б-рассм



13 е-расм



13 ё-расм

Уч бошли мускул елканинг орқа юзасини аниқлайди. Унинг икки бошли елка суякдан, учинчиси эса белкуррак бўғини чуқурчасидан бошланади.

Бўйин гавда билан бош орасидаги звено. Бўйин олди ва ён мускуллари муҳим рол ўйнайди.

Ўқув услубий қўлланманинг олдинги бобларида бош, бош суягини қуриш ҳақида кенг ёритилган эди, шунинг учун қайта тўхталишга зарурият йўқ.

Қомат асосан қурилиб, унинг нисбатлари, характери тепилгандан кейин пластик шакллар устида ишлашни лавом эттирлади. Шунингдек, қоматнинг катта шакллари, айрим мускуллар, бўртиқлар, суякнинг таниш нуқталари, бўғин ва қурук мускулларга аниқлик киритилади.

Қоматнинг характерли томонини очиб берадиган қисмлари, унинг ҳаракатига қараб ёки постановкасига анатомия жиҳатдан кўриб чиқилади. Пластик анатомия билимларига асосланиб умумлаштириш саводли бўлиши керак.

3.2. Ялонғоч қомат чизматасвири

Инсон танасини тасвирлаш жараёнида анатомия ва перспективани яхши билишни, танани ҳайкаллар ва нусхалар асосида аввалдан ўрганишни, мутаносибликни тўғри тушуниб олиш қобилиятини талаб қилувчи мураккаб организм ҳисобланади. Мана шу хусусиятларни билиб олгандан кейингина жонли натура устида ишлашни бошлаш мумкин.

Графика, ҳайкалтарошлик архитектура ёки рангтасвир соҳаларини эгаллаётган ҳар бир талаба одам танасининг қурилмасини тушунибгина қолмасдан, шакл юзасидан тафаккур юриштишга ҳам ўрганиши, бошқача айтганда, инсонни ҳар қандай ракурс, ҳар қандай ҳаракатда тасвирлай олиши зарур.

Жонли инсон қоматни ўрганишни содда ва аниқ ўқув топшириқлар - постановкалардан бошлаш зарур, уларда тананинг қисмлари ва пластикаси аниқ кўриниб туриши талаб этилади. Оддий ҳаракат ҳолатларини ўрганиш учун постановкаларни танани катъий буриш, кучли ракурсларда кўйиб чизишни машқ қилиш яхши самара беради.


Чизматасвирни постановканинг юқори ва пастки чегарасини белгилаб олгач, ер, пол, таглик кабиларга нисбатан асоснинг горизонти ва юзаси аниқлангандан кейин бошлаш лозим. Агар натурачи бир оёғига таяниб турган бўлса, унда ўқ чизик билан унинг ҳаракат чизиғи хусусиятини аниқлаб олинади. Андоза таяниб турган оёқ ҳолатига нисбатан вертикал тик чизик ўтказилади, тос эгилувчанлиги белгиланади, сўнгра тана, бел, бўйин ва бошнинг умумий эгилганлиги аниқланади. Умуртқа суяклари ўртаси чуқурлигидан таянч оёқ товонига қадар вертикал тик чизик ўтказиб, тананинг таянч маркази аниқланади (14 а, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и, й-расм).

Гавда эгилганлигини аниқлаб, умуртқа суяклари чуқурлигидан тос суяги қоқ марказигача бўлинмаларга ажратилади, бунда қовурга ёйларининг юқори чети, катта кўкрак мушаклари, кўкрак учлари, қорин чегараси кабиларга алоҳида эътибор берилади.

Кўпинча бўйинни елка камари билан боғлаш қийин бўлади. Трапедия кўринишидаги мускуллар (пастки ҳамда умуртқа суяклари чети) воситасида бўғинини ташкил бўладиган елка камари юқори юзасини топиб, умуртқа суяклар чуқурлигини ва елка майдонининг юқори қисмини— умуртқа орасидаги ўрта чизик бўйлаб бўйин асоси аниқланади.

Бўйин эгилиши белгилаб олингач, бош билан боғлиқ ҳолда тасвирланади, бу жараёнда юзнинг бурилиши ва эгилиши эътибор билан кузатиб борилади. Бу ерда бажарилаётган ишнинг тўғри ҳолатини аниқлашда жағ ёйи ва кўкрак умуртқадан калла суяги сургич шаклли қисмга боғлайди.


Елка кенглигини кўкракнинг акрамиал ўсимталари орқали белгилаган ҳолда умуртқа суяги юқори ва пастки чуқурликларини тўғри аниқлаш лозим бўлади. Елка суставини белгилаб, тананинг юқори аъзолари тутатиб кетадиган умуртқа ва кўрақларнинг бирлашувига алоҳида эътибор берилади, чунки юқори аъзо — қўл ушбу суякларгача бўғинлар воситасида боғланади. Куракнинг акромиал ўсимтасини кузатиб бориш зарур, катта кўкрак ва дельта кўринишидаги мушаклар ёндашганда пайдо бўлади, из эса кўкрак ва дельта кўринишини мускуллар бирлашадиган жойига эътибор берган ҳолда белгиланади.




14 а-рasm



14 б-рasm




14 в-рasm



14 з-рasm



14 д-рasm



14 е-рasm

67



14 ж-рasm




4 ё-рasm



14 з-рasm



14 и-расм




14 й-расм

Сўнгра юқори аъзолар, уларнинг йўналиши белгиланади, тирсак ва қўл кафтлари аниқланади. Елка суягининг ички ва ташқи бўртмалари, тирсак ўсимтаси ва тирсак суягининг пастки учларини диққат билан кузатиш зарур бўлади.

Қўл панжасини тасвирлаш пайтида бармоқ суяклар, бармоқда боғланувчи кафт суяклар, панжалар, ички ва ташқи кафт суякларининг туртиб чиққан жойлари каби қисмларга эътибор бериш лозим.

Тос камарини белгилашда қов супачаси мўлжал бўлиб хизмат қилади. Тос суяги ёнбош қирраси олд бурчагига эътиборни қаратган ҳолда қорин ташқи қийшиқ мушагининг олд бурчаги, қорин тўғри мушаклари ва киндикка эътибор берган ҳолда тасвирланади. Сон суягининг катта думба мускули туташганда пайдо бўладиган, чуқурчада аниқ сезиладиган катта суягини белгилаб олиш ниҳоятда аҳамиятли.

Тизза суставини тасвирлашда, сон атрофи аъзолардан тизза тирсаги усти суяги, сон суягининг ички ва ташқимушак боғланувчи дўнглари кичик болдир суягининг бошчасига эътибор қаратилади. Тизза шакли, катта болдир суягининг олди қирраси, тўпиқ ва тирсакнинг кафтлар билан боғланиши кузатилади. Шаклни ҳосил қилишда фақат суякларнинг тузилмасини эмас, балки асосий мушакларни ҳам билиш зарур бўлади, зеро шундагина у ёки бу шакл ҳосил қилган соялар хусусиятини тушуниб олиш мумкин.



14 к-расм

Доимий равишда қоматнинг алоҳида қисмларини катта шакл ва бутун қомат билан боғлаб мутаносиблигини солиштириб бо-риш талаб этилади.

Чизматасвир умумийдан алоҳида бўлимларга қараб олиб бо-рилади ёки бошқача айтганда, йирик массанинг пластик хусусия-тидан кичик қисмлар билан бойитиб борилади. Анатомик таҳлил андозадан юзаки нусха олиб қўйишдан асрайди, аниқ пластик шаклни онгли равишда идрок этишга имкон беради, қоматнинг асосий жиҳатларини таъкидлаб туради.

Тус ёрдамида пластик шаклнинг моддийлиги ва қомат қисм-ларининг маконий теранлиги ифодаланади. Чизматасвир қандай ашё билан бажарилмасин, сояларни дарҳол бериш лозим. Аммо бунда ёруғ - соя тўхтамининг мувофиклиги, қисмлар ёритилиши-нинг аста кучсизланиши, ёруғликни бўлиб турувчи чизик каби-ларни доимо кузатиб бориш зарур.

Шаклнинг ҳажмийлигини очиқ беришда фон муҳитдаги асосий ранг катта аҳамиятга эга, хусусан фоннинг шаклдаги ёритилган ва соялаштирилган қисмлар билан уйғунлашувини кўзатиш айниқса муҳимдир. Чизматасвирда пластик шаклни бе-рувчи иккита ўзаро боғлиқ ва бир - бирини тўлдирувчи восита сифатидаги чизик ва тусни аниқ тушуниб олиш зарур. Ишлаш жа-раёнида гипс ва анатомик атласлардан олинган чизмаларга, ушбу андозани шакли ва ҳолатини ўрганиш мақсадида турли томон-ларидан чизилган ёрдамчи хомаки чизмаларга мурожаат қилиш фойдалидир. Баъзан ушбу постановка учун скелет чизиб олиш ва андоза хислатини ҳисобга олиб, бу скелетни мушаклар билан «кийинтириш» мақсадга мувофик бўлади.

Натурани таҳлил қилиш ва аниқ ифодалаш — либоссиз қоматни ўрганишдаги дастлабки постановкаларнинг асосий вази-фасидир.

Бажарган ва тўғри тушунилган чизматасвир намунасида қомат қоғоз юзасида яхши жойлаштирилган, ҳар иккала оёғига таянган тана тўғри қурилган. Агар 7 буғинли умуртқадан оёқларга қадар тик тўғри чизик тортилса, унинг учи аниқ оёқлар орасига тушади; елка ва тос суяги ёки горизонтал - ётиқ чизикда жойлаш-ган. Қоматнинг мутаносиблиги ва хусусияти, шунингдек тоснинг

оёқ, қўл ва бош билан алоқадорлиги яхши топилган. Ёруғлик ва соянинг мувофик келиши туфайли қомат фонга мослашиб кетган.

Тик турган қомат тасвирланганидан сўнг гавдани ўрганишга киришилади. Ўтирган ҳолатдаги эркак кишининг гавдаси чизматасвири яхши бажарилган топшириқ намунали бўлиши мумкин.

Чизматасвирда тегишли юзада композиция жиҳатдан яхши жойлаштирилган қоматни кўриш мумкин, ҳаракат тўғри белги-ланган, андозанинг мутаносиблиги ва шакли аниқ, елка айланаси яхши ишланган. Кўкрак қафаси тос билан тўғри бириккан. Ушбу натурачига хос бўлган бироз букрилиқ тўғри ифодаланган. Асосан олганда чизматасвир натуранинг пластик ва тус хусусиятларини тўғри тушунган ҳолда бажарилган. Шаклни таҳлил қилиш асносида талаба гавданинг анатомик қурилмасини берган, шакллар алоқадорлиги тўғри тушунилган ва қисмлари умумийликка бўйсундирилган.

Либоссиз қоматни ўрганишни давом эттирсак энди оддийгина қурилмадан ташқари уларнинг олдида жиддий вазифалар туради. Бунда постановкалар мураккаблашади, қомат (одатда эркак қомати) кучли ҳаракатда ёки огирлик кўтарган бошқа бирон - бир иш билан шугулланган мураккаб ракурсда бўлиши мумкин. Мураккаб ҳаракат мушакларга куч тушиши билан боғлиқ ташқи шаклнинг ўзгаришини кузатиш имконини беради. Сўнгра қомат бир нечта таянч нуқтасига эга бўлган постановкалар қўйилади ва ниҳоят, ракурсда ётган ҳолатдаги қомат билан боғлиқ мураккаброқ топшириқ берилади, энг муҳими, у инсон қомати қурилмасини тасвирлаш билан боғлиқ бўлади. Табиийки, либоссиз қомат тасвири топшириги юқори курсда ҳам учрайди ва бу ўзига хос такрорлаш бўлиб, аввалги курсларда олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди.

Бажарилган топшириқлар натижасида талаба чизматасвирнинг барча усулларини эгаллаши, анатомия фанидан олган билимлари асосида одам қоматини бемалол тасвирлаши, постановка қисмларини яхлитликка бўйсундира олиши, маконда катта қурилма шаклини ҳис этиши ва яхлитга нисбатан айрим қисмларнинг ўзаро пластик алоқадорлиги таъминланиши, натурадан олган жонли таассуротини бериши лозим бўлади.

Талаба бажарган 143,к-расмдаги ўтирган ҳолатдаги эркак қомати тасвирини муваффақиятли чиққан дейиш мумкин. Талаба томонидан пастдан кучли ракурс билан чизилган ўтирган ҳолатдаги эркак қомати андозага яқин турган мутаносибликни бу постановка устида ишлаган. Шунинг учун яхши ўйланган ва маҳорат билан андозаланган чизматасвирда мутаносиб топилган. Тасвир жонли чиққан, энг муҳим нарса аниқланган. Бутун қоматни қоплаб олган ёруғликка нозик ишлов берилган, фақат чап қўлнинг елкага яқин жойида ва тирсақда бироз қўполлик сезилади ва тусдаги ёруғликни ажратувчи чизик оғирлаштириб юборилган.

Бош кучли ракурсда ҳам яхши тасвирланган, унинг қисмлари ўзаро алоқада ва уларнинг барчаси ўз холига чиройли чиққан. Чап оёқнинг каттайиб кетганини ҳисобга олинмаса яхши андозали тасвирланган.

3.3. Ярим қомат чизматасвир

Чизматасвир бўйича дастурни бажара бориб талаба биринчи марта портрет билан рўбару келади. Аслига ўхшаш бўлиши лозимлиги, уни гўғри талқин этиш кераклиги топшириқнинг алоҳида аҳамиятини белгилайди. Бу топшириқда гипсли бош ва бош суяги, бошлинг турли табиий ҳолатлари, қўллар чизматасвирларидан аввал бажарилган машқлар яхлит бир кўринишга келтирилади. Агар аввалги топшириқларни бажариш асосида талаба қўллар билан портрет ишлашга етарли тайёрланган бўлса, у портретни ўхшатибгина қолмасдан, портретда тасвирланаётган шахснинг руҳий хусусиятини ҳам бериши лозим.

Имкони борича мавжуд натурачилардан портрет учун шахсий хусусиятлари билан ёрқин ажралиб турадигани танланади. У ёки бу мутахассисликка мос келувчи ҳолат андозаси яратилади. Бунинг учун постановкада турли чизматасвир ашёлари ва қуролларидан фойдаланилади.

Бундай постановкалар одатда катта қизиқиш билан бажарилади, негаки, уларда сюжетли боғланиш вужудга келади.

Танаффус пайтида кишилар бирдан фавқулудда тушиб қолган ҳолатдан табиий фойдаланиб, уни ўша топилма ҳолатда

тасвирлаши мумкин. Бу бутун постановкага табиийлик ато этади. Кийим киши хусусиятини белгилаб берадиган қулай, чиройли, кизиқарли ва шу пайтнинг ўзида турли ортикча безаклардан холи бўлиши керак. Либосда қоматнинг умумий хусусияти, юзқўлларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бош масаладан чекинтирадиган нарсаларни бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Нисбатан қисқа топшириқда (тахминан ўттиз соатга), яъни «қўлли портретда» охиригача ишланган шакл тасвир хислатига таяниш маъқўлроқ бўлади.

Портретда юзни бироз баландроқдан ёритган маъқул, шунда бутун чекинаётган юзалар (планлар) яхши тасвирга тушади. Натура ортидаги маконнинг чуқурлиги жиҳатидан чегаралаб андозага яқинлаштириш мумкин. Портрет топшириқлари йилнинг ёруғ фаслларига тўғри келса уларни кундузги табиий ёруғда бажариш мумкин, аммо ўта ёйилиб кетган ёруғликдан сақланган маъқўл.

Чизматасвир жараёни (бошидан охиригача) ва уни бажариш ашёлари, барча чизматасвирлардаги кабидир.

Бошни ишлаш ҳақида Чистяков қуйидаги ибратли гапларни айтган эди: «Кўз ва кўз соққаларига имкон қадар жонли чиқиши учун қаттиқ ишлов беринг, қолганларига эркинроқ ишлов беринг. Бурун катаклари ва лабларига ҳам эътиборли бўлинг». Ушбу гапни «қўлли портрет»га ҳам тахминан қўллаш мумкин: бошни «қаттиқ ишланг», либосни «эркинроқ», қўлларга ҳам яхши ишлов беринг, аммо бошга бўйсундиринг. Маълумки, портретда қўллар юзга ўхшаб маънодор бўлиши мумкин. Портретда қўлларнинг аҳамиятини шундан билса бўлади. Репиннинг «Протодьякон» асари бунга ёрқин мисол бўлади.

Бу (18 б, в-расм) ўтирган одам тасвири «қўлли портрет» топшириғини бажаришга намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Топшириқни муваффақиятли бажаришга постановканинг яхши қўйилганлиги сабаб бўлган. Натура бошининг хусусиятлари, унинг миллий либоси ва анчайин жонли ҳолати кабилар эътиборни тортган. Фоннинг асосий ранг соддалиги ва либоснинг безакдорлиги портрет хусусиятларини бериш, бош ва қўллар каби инсон қоматининг мураккаб қисмларини ўрганишдек бош ва асосий вазифага эътиборни қаратишга имкон беради (15 а, б, в, г-расм).



15 а-рasm



15 б-рasm



15 в-рasm



15 з-рasm

Чизматасвирда биз муаллиф олдига қўйилган вазифани муваффақият билан бажарганлигини кўрамыз, яъни мураккаб ракурсга қарамай, бош ва қомат бир-бирига маҳорат билан бирлаштирилган, бошнинг ўтқир портрет хусусияти кишини ўзига тортади. Натурачи ҳолати ўта нозик илғаб олинган.

Қоматдан фонга (деярли оқ қоғоз) тус жиҳатдан ўтиб боришга зарурий маконий муҳитни яратган. Либос остида ялангоч тананинг шакли сезилиб турибди, хусусан елка ёйининг ракурси ва перспективанинг қисқариши яққол кўринади. Муаллиф қомат қисмларининг аҳамияти ва уларни бир - бирига ўзаро бўйсундиришда моҳирлиги хис қилинади. Бу томошабин эътиборини энг муҳим жиҳатга қаратишга ёрдам беради. Натурачининг ўнг қўли тугалланмаганлиги кафт орқаси билан панжа орасидаги боғлиқликни бузган. Бу ҳолатда у ўзига эътиборни тугаллик ҳақидаги мактаб талабаларига тесқари келиб қолганлиги учунгина эмас, балки бу қўл муҳим моҳият касб этганлиги учун ҳам тортади. Қулоқ бироз қўполроқ ишланган. Буларга қарамай, умуман, чизматасвир асари ўзининг талабчан дидга мослиги, соддалиги ва мазмундорлиги билан ажралиб туради. Портрет қатъий, ғайратли штрихлар билан бажарилган.

Бу ерда келтирилган бошқа чизматасвирлар ҳам юқоридагидан қолишмайди, уларни ҳам қўйилган вазифаларига қониқарли жавоб деб ҳисоблаш мумкин.

3.4. Кийимдаги қомат чизматасвири

Берилган пастановкани оддий шаклда, энгил ўта рангли бўлмаган кийимда қўйилади. Бунда кийим остидан қомат шакллари конструкцияси, унинг ҳаракати ва прапорцияси яхши кўринади.

Кийимли қоматни чизишда кийим танага ёпишиброқ турган; елка, тос ва кўкрак қафаси, тизза бўғинлари, орқадан эса белкурак, думба, оёқ мускуллари шакли қурилишига диққат қаратилади. Бу қисмларини тушуниб ажрата олиши қоматнинг пластик структурасини чизиш, катта букламлар пайдо бўлган жойларида қомат шаклини кўсатишга имкон бўлади. Кийимдаги қомат шаклини тўлароқ тасвур қилиш учун шу кўринишдаги ялонғоч қоматдан қисқа муддатли чизматасвир ишлаш фойдали (16 а, б-расм).



16 а-рasm



16 б-рasm

Чизматасвирда кийимдаги қомат билан ялонгоч ёнма - ён бир форматда акс эттирилган. Бундай чизматасвир талабага букламлар ҳосил бўлиш сабабларини тушинишга ва одам қомати шаклларини тўғри тасаввур қилишга ёрдам беради.

Катта рассомлар чизматасвиридан маълумки улар олдин ялонгоч қомат ишлаб, кейин кийим ёки мато кийгизганлар. Ҳайкалторошлар ҳар доим бу усулдан фойдаланиб, кийимдаги қомат шаклини яратганлар. Бунда кийим остидаги қоматни кўришга ёрдам берган, кийим эса унинг ғилофи шаклида қаралган. Шунингдек қоматни кўр - кўрона кўчиришдан сақлаган. Юқори курсларда кийим характери ва унинг фактурасини чуқурроқ кўрсатиш талаб этилади.

Талаба кўп букламлар орасидан энг характерли, асосийларини ажратиб тасвирлашни билиши, катта шакллар орасидан кераклисини танлашни, букламлар орасидан муҳим даражадагисини ажратиб тасвирлашни билиши керак. Реалистик чизматасвирда бундай саралаш бўлмаса қоматнинг табиий ҳолатини тасвирлай олмайди. Чизматасвир оддий, натурадаги букламларни санаш каби ифодасиз, характерсиз бўлади. Юпка ва қалин мато, сукно ёки тери, букламлар у ёки бу ашёлар характерини ўрганишга ёрдам беради. Пастановка ва кийим характери чизматасвир бажаришда қайси ашёдан фойдаланиш керак эканини аниқлайди. Пастановка шаклларига тус беришда; кўмир, қуруқ соус, сангина, туш, енгил тусланган қоғоздан фойдаланиш мумкин. Ўртача тусдаги пастановка учун, қомат оч рангдаги кийимда бўлса қалам ва перо ишлатилади.

Яхши ишланган кийимдаги қомат чизматасвирга талаба томонидан ишланган кекса аёл чизматасвири мисол бўлиши мумкин. Қоғозда композиция жойлашуви саводли, қоғоз форматига қомат ўлчамлари нисбати тўғри олинган. Талаба қомат қурилишини ва пропорциясини тўғри топган ва кекса аёл портрети характерини аниқ бера олган. Кийим букламлари катта шаклга мосланган, улар муҳим қисмидан чалғитмайди, чизматасвир оддий ва тусда яхши ечим топган.

3.5. Қўл ва оёқ чизматасвири

Чизматасвирида инсон қоматини ва бошни хусусан ўрганиш билан бир қаторда, қўл ва оёқ панжалари чизматасвирини ўрганиш ҳам назарда тутилади.


Қўл ва оёқ панжалари мураккаб шаклдан иборат, уларнинг маълум маънода ички суяк ва мускуллар қурилмасини билмай туриб, ташқи кўринишини, шаклини тушиниб бўлмайди. Шунинг учун натурани жонли оёқлардан турли ҳолатда чизиш билан бирга, қўл ва оёқ панжалари суякларидан, шунингдек уларнинг мускул қопламларидан хомаки чизмалар бажарилади.

Аммо бу қисмларнинг яхши тасвирини бериш етарли эмас, уларнинг алоҳида хусусиятлари, бетакроп мутаносиблиги, ёш, касб ва бошқа бир қатор сабаблар ўз изини қолдирган шаклларни ифодалаш зарур.


Ўқитувчи тавсия этаётган қўл панжаларини ўрганиш жараёнида кўргазмали қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Расмда (17в-расм) натурадан чизилган қўл билан бир қаторда унинг ҳолати билан бир хилда турган қўл панжаларининг тасвири берилган. Чизматасвир муаллифи тўғри мутаносиблик топган ва билак, панжалар, бармоқ суяклари каби қўлнинг айрим қисмларини тўғри боғлаган, уларнинг барчасини катта шакл тасвирига бўйсундирган. Қўл ва унинг қисмларининг хусусиятлари анатомик ҳолатлари тўғри тўла берилган. Ўнг қўл нисбатан тўқис ишланган.

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи шакли тасвиридаги айрим тарқоқликни чизматасвирнинг камчилиги дейиш мумкин. Қўл панжалари фақат ҳар хил вазиятда хомаки ишланган.

Оёқ панжалари ва уларнинг мушаклари ўзининг умумий гуруҳида қўл панжаларини эслатади, шунинг учун уларни ўрганиш методикаси бир хил. Бу ерда ҳам унинг анатомик қурилмасини ўрганиш натурадан ишлаш билан мустаҳкамланиши зарур. Натурадан чизиш эса анатомиядан олинган амалий билимлар билан мустаҳкамланади. Қўл ва оёқ панжаларининг бир-бирига ўхшашлиги сабабли уларни бир постановкада бериш мумкин (17 а,б,в,г-расм).




17 а-рaсм



17 б-рaсм



17 в-рasm



17 г-рasm

3.6. «Портрет қўллари билан» постановкаси чизматасвири

Юқори курсда вазифани бажаришда тасвирланувчини ўхшашлиги ва руҳий характеристикасини кўрсатиш талаблари қўйилади.

Бу вазифани амалга оширишда натурачини танланганлигига боғлиқ бўлади. Натурани танлашда унинг, ўзига хослиги, характеристикаси, юз деталларининг аниқлиги ва қўлларининг пластикаси қизиқарли бўлиши зарур. Постановкани қўйишда ёруғлик тушишини шундай қўйиш керакки, унинг ўзига хос томонларини; қомат ҳолати, қўл ва бош шакллари аниқ ажратилиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Постановкани қўйишда натурачининг табиий ҳолатини аниқлаб, унинг ўзи одатдаги ҳолатидан фойдаланиб қўйишга ҳаракат қилиш керак. Қизиқарли ва яхши қўйилган постановка талабалар томонидан ихлос билан ишланиб, вазифани бажаришда яхши натижага эришишини таъминлайди. Натурачининг либоси бош ва қўлни ишлашда чалғитмаслиги, қомат шаклларини яхши кўринишини таъминлаши керак (18 а, б, в-расм).

Портретнинг фонида ҳалақит берувчи нарсалар бўлмаслиги қоматнинг ҳолат силуэтини яхши кўринишини таъминлаши ва асосий қоматдан чалғитмаслиги зарур. Агар портретчи қомати оч тусдаги фонда бўлса, унинг силуэт характериға катта эътибор бериш вазифанинг мувоффақиятини таъминлашда муҳим воситалардан биридир. Унинг юзини узоқдан кўраолмасакда, силуэт характеридан таниш бўлган кишини танишимиз мумкин.

Талаба вазифани бажаришга киришишдан олдин натурадан коралама ишлаб ўрганишида қоматнинг умумий характерини чизматасвир композициясини қуришида ёрдам беради. Чизматасвир иш бошидан чизматасвир бош, қўл қурилишини ва шакл беришга диққат қаратилиб, натурачининг характерли деталларига акцент берилади.

Катта рассомлар портрет асарларини синчиклаб ўрганиш мумкин. Гольбейн портретларида эса; бирида катта кўзлар, иккинчисида кенг ва оғир пастки жағлар, учунчисида ўткир узун



18 а-рasm





18 в-рasm

бурунли инсонларни кўрамиз. Рассом инсонни тасвирлар экан, умумий шакллар орасида характерли, ўзига хос деталларни топа олган. - Портрет ишлашда муҳим қисмларини ажратиб ҳар хил даражада тасвирлаш муҳим рол ўйнайди. Масалан, Чистяков портретида бошни ишлаш ҳақида шундай дейди. - «Кўз ва кўз қорачигини диққат билан аниқ, тирикдай жонли ишланг, бурун ва лабларни ҳам пухта ишланг, қолганларини бироз юмшоқроқ ишланг». Буни «Кўлли портрет»га татбиқ қилиб, бош қисмига ва кўлни аниқ ишлаш лозим, либосни эса эркинроқ ишлаш мумкин.

Портретда кўл бармоқлари муҳим аҳамиятга эга. Улар ҳам бош каби катта аҳамиятга эга бўлиб, бетакрор индивидуал характерлидир. Кўл орқали ёшени, касбини ва характерини очиб берилади. Инсон характерини жозибали очиб беришда кўл ҳаракати ва ҳолатига боғлиқ. В.Серов, А.Абдуллаев, Р.Ахмедов портретлари талабалар учун ўз курс вазифасини бажаришига мисол бўлаолади.

Савол:

1. Одам қоматини ишлашда мускул ва суякларнинг аҳамияти қандай?
2. Одам қоматида скелет нима?
3. Одам қоматида мускул ўзгариш ҳолати шаклларга қандай таъсир кўрсатади?
4. Чизматасвирда натурадан ялонғоч қомат ишлашдан мақсад нима?
5. Ялонғоч қомат пропорцияси ҳолати қандай ўзгаради?
6. Одам қоматини ялонғоч ишлашда горизонт ва ўқ чизигининг аҳамияти қандай?
7. Чизматасвирда натурадан ярим қомат ишлашдан мақсад нима?
8. Ялонғоч қомат пропорцияси ҳолати қандай ўзгаради?
9. Одам ярим қоматини ишлашда нимага аҳамият бериш керак?
10. Чизматасвирда кийимдаги қомат ишлашдан мақсад нима?
11. Кийимдаги қоматни ишлашда нимага кўпроқ аҳамият бериш керак?
12. Кийимдаги одам қоматини ишлашда букламларнинг аҳамияти қандай?
13. Чизматасвир ишлашда кўл ва оёқни ишлашдан мақсад нима?
14. Кўл ва оёқ ишлашда суякларнинг аҳамияти қандай?
15. Кўл ва оёқда мускулларнинг роли нимада ?
16. Натурадан портрет ишлашда кўлнинг аҳамияти нимада ?
17. Кўл ҳолати ўзгаришида пластик анатомиянинг ўрни қандай ?
18. Кўлда бормоқ ҳолатининг ҳаракат муҳити қандай ?

IV. БОБ

4.1. Хомаки чизматасвир

Ҳар бир рассом ижодида хомаки нусха муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун чизматасвир бўйича дастур ўзоқ муддатли постановкаларнинг етакчи аҳамиятини таъкидлаб, шу пайтнинг ўзида хомаки нусхага жиддий эътибор беришни ҳам талаб қилади. Рассом ижодида хомаки нусханинг қўлланилиши турли хилда кўринади. Ўқув хусусиятидаги хомаки нусхадан тортиб юқори бадий аҳамиятга эга бўлган ижодий хомаки нусхаларгача бўлган тасвирлар маълум. Баъзан хомаки нусха олий даражадаги чизматасвир намунаси бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Бадий таълим муассасаларида хомаки нусха билан шуғулланилади, негаки бу юмушни рангтасвирчи, графикачи, ҳайкалтарош, архитектор ва безакчи каби соҳа вакиллари ҳам билишлари лозим. Дастур кўрсатмасига биноан хомаки нусха устида ишлаш гуруҳ раҳбари кузатуви остида устахонада ва машғулотлардан бўш пайтда мустақил равишда икки йўналишда олиб борилиши зарур. Талабада кучли кузатувчанлик хислатини, андозани пластик хусусияти, мутаносиблиги ва ҳаракатини тез илғаб олиш жиҳатини ўстириш, хомаки нусха машқларининг асосий мақсади ҳисобланади. Хомаки нусха талабада кўзчаманинг ўткирлиги ва аниқлиги, қўл техникаси ва кўриш орқали ёдда сақлаб қолиш жиҳатларини ўстиради.

Устахонада ишланадиган хомаки нусхалар учун ҳам либосли, ҳам либоссиз андозалар хизмат қилиши мумкин. Постановкалар хусусияти статик ва соддадан ва мураккабгача ўзгариши мумкин. Кучли кузатувчанликни ўстириш учун ҳаракатланувчи андоза киритилади. Кўриш орқали ёдда сақлаш хусусиятини ўстириш учун андоза факат бир минутдан уч минутгача кўрсатилади. Табиий ҳаракатларни кўриш маъқулроқдир. Талабаларда номаъқул таъб


уйғотувчи ва вокелик ҳақида нотўғри тасаввур берувчи сунъий ҳолатлардан қочиш керак.

Хомаки нусхалар учун постановкалар муддати берилган топшириқнинг мураккаблигига қараб белгиланади ва ўн беш минутдан икки соатга қадар бўлиши мумкин. Энг муҳими ҳар бир постановка ўз вазифасига кўра мақсадга йўналтирилган ва аниқ бўлиши лозим. Хомаки нусхалар бўйича машғулотлар режаси ўқитувчи томонидан аввалдан тайёрлаб қўйилади. Режа тузганда талабанинг ихтисослиги ва унинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш зарур. Курсдан курсга топшириқ ўзгариб бориши зарур. Хомаки нусхалар ўқитувчи томонидан қатта ижодкорликни ва эътиборни талаб қилувчи жонли юмуш ҳисобланади. Агар гуруҳда чизматасвир ёмон кўриляётган бўлса, хомаки нусхани курилма бўйича режалаштириш зарур. У ёки бу талабага алоҳида вазифа ҳам берилиши мумкин. Ҳар бир талабага алоҳида ёндашув чизматасвирни эгаллашдаги хатоларни ўз вақтида тўзатиш имконини беради.

Хомаки нусхани бошлашдан аввал бир неча вақт натурани ўрганиш лозим. Ишда нимани тасвирлаш зарурлигини аниқ идрок этиб олиб бориш керак. Хомаки нусханинг кейинги босқичи ҳаракат, мутаносиблик ва хусусиятни белгилаш билан боғлиқ. Андозанинг турли хислатларини бирданига илғаб олиш учун диққат-эътиборни, идрок этиш тезлигини, кўз чамалаш ва қўл ҳаракатини кучайтириш талаб этилади. Бу сифатларни талабада хомаки нусха устида доимий ишлаш орқалигина вужудга келтириш мумкин. (19 а, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и-расмлар).

У ёки бу талаба хомаки нусхани бошлаш асносида қаламни дарҳол босиб, оғир учмас чизиклар тортаётганлигини қўллаб кузатиш мумкин. У чизган қомат муҳитдан қирқиб олингандек қоғоз сиртига елимланган аппликациядек туюлади.

Хомаки нусха билинар - билинмас енгил чизиклар оркали ба-жарилиши ва фақат ҳаракат ҳамда шакл талаб қилгандагина турли калинлик ва тус бериб уни кучайтириш лозим бўлади. Умуман, хомаки нусха бирдан бошланиши лозим, бу билан у узоқ муддатли чизматасвирдан фарқ қилади. Кўйилган вазифа ҳал этилгандагина



19 а-рaсм



19 б-рasm



19 в-риси



19 з-рasm



19 д-рasm




19 е-расм




19 ё-расм



19 ж-расм



19 з-расм



19 и-расм

хомаки нусха тугалланган ҳисобланади. Кўйилган вазифага кўра чизматасвир ашёси танлаб олинади.

Перо, тушъ, қалам аниқликни талаб қилади ва ҳар бир чизик учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Сангина, кўмир, соус, акварель каби ашёлар рангтасвир соҳасидаги хомаки нусхалар чизишга маъқул. Бундай ҳар бир ашёнинг ўрганилиши лозим бўлган ўз имкониятлари бор. Талаба қоғоз сифатини аниқлашга ўрганиши ва унга тегишли чизгич ашёснни танлаши зарур бўлади. Талабада ашёларга нисбатан мутахассисларча муносабатда бўлишни ўстириш керак тўғри келган қоғоз бўлагига хомаки нусха чизмаслиги, унинг ҳажми ва сифати белгиланган топшириққа мос келиши зарур.

Агар устахонада бажарилган хомаки нусхалар орқали тез ишлаш маҳорати, қобилияти ҳосил бўлса, уй шароитида бажарилган хомаки нусхалар билан талабанинг ашёга муносабати, кўра олиш қобилияти вужудга келади, у рассом сифатида шаклланади. Бу сифатлар лаҳзалик тасвирлар учун объект танлашда, уни калбан идрок этишда кўринади. Бу ерда ҳеч ким намуна сифатида ўтирмайди, барча табиий кўринишда бўлади.

Дарсдан ташқари бажарилган барча хомаки нусхаларни доим кўллаш зарур, негаки айнан шу ерда талабанинг келажакдаги ижодий ишлари учун зарур бўладиган ҳаётий кузатишлар захираси тўпланади.

Илмий билим хусусиятига эга бўлган хомаки нусхалар, инсон танасининг анатомик жихатларидан олинган хомаки чизмалар ана шу курилмалар жумласидандир.

Факат доимий ва узлуксиз машқ қилиш билангина тез хомаки нусха чизиш маҳоратини ўстириш мумкин. Хомаки нусха узоқ та-наффус билан, баъзи - баъзида чизиб туриш кутилган натижани бермайди. Рус рассомлари И.Репин, Н.Серов кабилар доимий хомаки нусха устида ишлаганлар ва шунинг учун ҳам маҳоратли рассом бўлиб етишганлар.

4.2. Букламлар

Агар кийимдаги ҳар хил букламларга эътибор берсак матода буклам ҳосил бўлиши, йўналишга қараб уларни уч асосий турга ажратиш мумкин.

Тўғри буклам матонинг икки қисми бир-бирига яқинлашу-вида ҳосил бўлади.

Диогонал букламлар – мато қисмларини паралеллограм шаклида ҳосил бўлган букламлар гуруҳи.

Радиал букламлар – матога битта жойида босишда ҳосил бўлиб, букламлар марказини ташкил қилувчи букламлар гуруҳи.

Бу уч асосий букламлар ҳар хил ҳолатда мураккаб букламлар шаклини ҳосил қилиши мумкин. Масалан, енг шимарилганда бир қатор букламлар ҳосил бўлади. Енг узунлиги бўйича цилиндрсимон кўл кўп бурчакли тўғри буклам системаси ҳосил бўлади. Жами йўналиш бўйлаб эркин эгилувчан матолар; масалан, трикотаж пайпоқ каби оёқда ёки енгда «думалоқ» буклам ҳосил қилади. Кийимни тасвирлашда у фақат мустақил шакл эмас, балки унинг ичидаги қомат шакли билан боғлиқ бўлиши керак.

Бунда кийим букламлар орасида қоматга тегиб турган жойларидаги орасида букламлар табиий ҳолатини акс эттириши керак.

Мато ашёлари – полотно, сукно, ипак, тери, трикотаж, металл – ҳар хил ҳолатда ўзича характердаги букламлар; йирик ёки майда бурчакли ёки текис ва шунга ўхшашларни ҳосил қилади.

Одам қоматини чизишдан олдин қандай туриши, ҳаракати, қайси бир оёқда ёки икки оёқда тик туришини, суянишини, бошнинг бурилишини, қоматнинг бурилишини, оғирлик тушишини аниқлаб унга этибор бериш керак.

Олдин қалам билан қомат массасини енгил белгилаб чиқиш мақсадга мувофиқ. «Маъно» сўзи чизматасвир учун умумлашган шакл тушунчасини беради.

Умумий ҳолатни чизиб, қомат массасини сонини ўзаро тўғрилигини яна бир марта текширилади. Ундан кейин юза текисликларини аниқлаб, қомат ҳаракатида кийимнинг қандай боғлиқлиги, қайси турдаги букламлар ҳосил қилишини ва қандай жойлашганлиги билан шуғулланилади. Масалан, агар қўл юқорига кўтарилган бўлса, биз бир гуруҳ радиал букламлар қўлтиқ ости марказда бўлиб, диоганал шаклда ва елкага қараб думалоқ шаклдалигини кўрамиз. Агар қўл тирсақдан букланган бўлса, қўл бурчагида гуруҳ радиал букламларни билан томон гармоник тарқалишини кўрамиз. Буларни ҳаммасини тайёрлов чизматасвирда белгилаб ва кейинчалик ўчирғич билан олдинги ёрдамчи чизикларни ўчириш мумкин (20 а, б, в, г-расм).

Одам боши чизматасвири ҳақида гапирганда, юз қисмларини ўзаро нисбатларини таққослаб бориш зарур. Шунингдек, олдиндан кўз чизиклари, бурун қанотчаларини, дабдарини натурадан нисбатларини белгиланади.


Ҳар доим ҳажм ҳақида ўйлаш керак, яъни, юз қисминини чизаётиб бошнинг мия қисми ҳажминини эсда тутиш лозим. Чап қулоқни чизаётиб ўнг қулоқни, агар кўринмаётган бўлса ҳам у ҳақида ўйлаш керак. Икки кўзни, бурун қанотчаси жуфтини, жуфт мускулини ва шунга ўхшашларни чизмоқ керак.



20 а-рasm



20 б-расм



20 в-рasm



20 з-рasm

Савол:

1. *Хомаки чизматасвирнинг аҳамияти нимада ?*
2. *Хомаки чизматасвир ишишдан мақсад нима ?*
3. *Хомаки чизматасвир қандай ҳолатларда амалга оширилади?*
4. *Хомаки чизматасвир ишлашда нимага аҳамият бериш керак?*
5. *Хомаки чизматасвир қандай ашёларда бажарилади ?*
6. *Чизматасвирда букламларнинг роли қандай ?*
7. *Букламларнинг қандай турлари бор ?*
8. *Одам қомати ҳолатига қараб букламлар қандай ўзгаради ва уларнинг ҳолати қандай ?*

Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати

Автопортрет (грекча сўздан. Outos - ўзим) – рассом ўзини - ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.

Акцент (лотинча сўздан. Accentus - урғу) – Тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқ ёки буюм, шаклнинг, чеҳрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқлар ёрдамида урғу беришдир.

Анфас фас, олддан кўриниши, юз кўриниши.

Абстракционизм – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.

Автолитография – рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани.

Авангардизм-XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).

Академизм-академик услубга оид бадиий йўналиш.

Анимал жанр -хайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.

Антик санъат қадимги деган маънони билдиради. Тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.

Блик(немис сўздан Blik – қараш. боқиш) - ёруғ - соя элементи. Ёритилган буюмнинг энг ялтироқ жойи, айниқса ялтироқ жисмда. Ёритилган қисмдаги умумий тусга нисбатан энг ёруғ, ялтироқ, ёриқроқ қисмидир.

Бадиий- борлиқни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечин-

маларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва ранго - ранг тасвирлаш.

Бадий услуб -санъатда қўлланиладиган усул.

Бюст -одамнинг кўрагигача тасвирланган ҳайкали.

Ватман-рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.

Вариант (лотин сўзидан - ўзгарувчан) – санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, комат ҳаракатига, қўл ҳаракатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати.

Галерея-тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган махсус бино.

Маълум асарлар туркуми ҳам тушунилади. Масалан, портрет галереяси.

Гармония(грекча сўз бўлиб, harmonia – хушбичим, умумийлик, қисмлари (бўлаклари) келишган) – Тасвирий санъатда тасвирланаётган буюм шакли ёки рангнинг ўзаро умумийлиги, хушбичимлиги.

Графика(грекча сўздан олинган бўлиб, graphikos – чизикли, чизилган) – тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан оқ ва қора контраст ранглар, чизик ва штрихлар характерлидир. Графикага чизматасвир, гравюра, литография каби босма тасвир турлари киради.

Гризайль(французча – gris - кулранг) – бир хил рангда мўйқалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар. Оқ ва қора рангда туси билан фарқ қиладиган усулда ишланган тури.

Деталлаштириш (детализация) – тасвирий санъатда детал (қисм) ларини алоҳида пухта ишлаш. Деталлаштириш рассом усулига қараб ҳар хил даражада бўлиши мумкин.

Деталь(французча – detail – муфассаллик, мукаммаллик):
1) элемент; 2) характерли қисм мукаммаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.

Жанр(французча – genre тур) – тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча. Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (маиший, тарихий) турларидир.

Интерьер(французча – interieur – ички, ичкаридаги) – ички кўриниш, бинонинг ички хоналари кўриниши ва унинг тасвирий санъатда тасвирланиши. Шунингдек, хона, бино ичидаги нарсалар, буюмлар, деворларнинг (мозайка, фреска, нақш, матолар билан) кўриниши.

Картина (расм, сурат) – алоҳида белгиланган нафис тасвирий санъат асари. Расм (картина) ҳар хил жанрда бўлиши мумкин. Этюдга нисбатан борлиқни (натурани) пухта ўйланган ва пухта ишланган, тугатилган, деталлари ва шакллари моҳирлик билан акс эттирилган кўринишидир.

Композиция(лотинча – compositio – тузиш, боғлаш, баён қилиш) – 1) асар қурилмасида қисмларини маъно - мазмунга боғлаш, бўйсундириш, шакллантириш.

2) Композиция- бадиий образ яратиш воситаси ва изланиш йўллари. Рассом фикрини амалга оширишни излаши. Тема мазмуни (сюжетни) очиб беришда рассом томонидан изланиш олиб боришидир. Композиция устида ишлаш ғоя тугилгандан бошлаб асар тугаллангунча давом эттирилади. Бунда рассом танлаган мавзуси асосида сюжет устида иш олиб боради.

Композиция тузиш жараёнида тасвирдаги нарсаларни, буюмларни, одам қиёфаларини картина текислиги (рангтасвирда холст, графикада қоғоз)да мақсадга мувофиқ бадиий жойлаштиради, тасвирлайди. Бунга шунингдек асар маркази, ечими, иккинчи даражали нарсаларни жойлаш назарда тутилади. Ранг ва ранг контрастлари, силуэт, ёруғ ва соялар ҳам аниқланади.

Композиция ишлашда натуранинг перспектива курилиши, масштаб ва нисбатлари (прапорция), тус ва ранг ечими ҳам муҳим.

Контраст(французча – *contraste* – кескин фарқ, қарама - қаршилик) – тасвирий санъатда қарама-қарши қўйилган тус, ранг, шакл, қиёфа назарда тутилади. Масалан: оқ - қора, ёруғ - соя, қизил - кўк, тўғри - эгри, иссиқ - совуқ ва бошқа контрастлар. Контраст тус ёки ранг композицияда бадиийлик образини кучайтиради, асосий қисмини таъсирчанлигини янада оширади.

Картон-қоғоз тури, рангтасвир асарнинг қораламаси, қалам ёки кўмир, қаламда ишланган нусхаси.

Контур- чегара, чизик.

Копия-нусха, кўчирма.

Кулранг-оқ ва қора рангдан ҳосил бўлган ранг тури.

Моделировка (италиян сўздан *modeliate* - ясамоқ) – рассомчилик амалиётида: бу рельефни тасвирлаш, буюм шаклини тасвирлаш ва шаклини, қоматни у ёки бу ёруғликда тасвирини кўрсатиш. Чизматасвирда моделировка тус (ёруғ - соя) бериш орқали перспективада шаклини ўзгаришини эътиборга олиб бажарилади. Рангтасвирда эса моделировка рангда бажарилади. Бунда тус ва ранг бир - бири билан узвий боғлиқ. Ҳайкалтарошликда шаклини уч ўлчамли ишлов бериш орқали моделировка амалга оширилади. Моделировка даражаси рассомнинг фикрига ва асар мазмунига қўйган талабига, мақсадига боғлиқдир.

Модель(французча сўздан *modele* - объект, тасвирланаётган шакл, натурачи одам) - кўп ҳолда тирик натура, умуман одам.

Монохром(грекча сўздан *monos* - бир, *chronos* - ранг) – бир рангли демакдир.

Мотив(французча сўздан *motif* - сабаб, сюжет):

1) натура объекти, рассом томонидан тасвирлаш учун

мўлжалланган объект ёки баъзи ҳолларда манзара бўлиши мумкин:

2) Амалий – безак санъатда – асосий элемент орнамент композицияси кўп такрорли бўлиши мумкин.

Муносабат, нисбат (отношения) – асар яратишда фойдаланилган натура элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Масалан: ранг-тасвирда тус ва ранг муносабати, ҳар хил ёрқинлик нисбати. Чизматасвирда ўлчам ва шакл нисбатлари. Санъатда таққослаш усули билан аниқланади.

Тус ва ранг муносабаталари контраст, ўткир ва энгил нюансли бўлиши мумкин.

Манера-услуб.

Мольберт-рассом дастгоҳи, анжоми.

Муаллиф-асар яратган шахс.

Наброскатез ишланган хомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради. Наброска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.

Натурализм-тасвирий санъат йўналишларидан бир бўлиб, тасвирловчи, тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташқи кўриниши, сиртқи суратини тасвирлаш лозимлигини мақсад қилиб қўяди.

Натурщик-ўқув ишларида тасвири ишланадиган одам.

Натюрморт-жонсиз табиат демақдир.

Рангтасвир турларидан бири бўлиб, буюмлар, мева - чева, гул ва ҳоказоларни ифодаловчи тасвир.

Нюанс(французча сўздан nuance - тус, хил) - жуда нозик тус ёки ёруғлиқдан соя қисмига энгил туснинг ўтиши.

Образ (бадий) – санъатда ҳодисаларнинг акс эттирилиш шакли (формаси).

Оригинал(лотинча сўздан *originalis* – биринчи бор, асли, асл нухаси). 1) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари;

2) нухаси олинган ҳар қандай тасвирий санъат асари.

Перспектива(лотинча сўздан *perspecto* – охиригача қараш, кўриш – 1) масофадан туриб қаралгандаги буюм, шаклнинг ўлчами ва шакли, шунингдек ранг кўриниши ўзгариши.

2.) одам кўзига шаклнинг бўшлиқда ўзгаришини текисликда тасвирлаш қонунини ўрганадиган фан. Перспектива қонунларидан фойдаланиб, буюмни бизга қандай кўринса шундай тасвирлашга ёрдам беради. Чизиқли перспектива буюм шаклини, ўлчамини ва прапорциясини (нисбатини) ўзгаришини, қисқаришини аниқлайди. Рассомчилик амалиётида кенг қўлланиладиган кузатиш перспективаси буюм шаклини ўзгаришини тасвирлашга ёрдам беради.

† Перспективада ишлатиладиган асосий терминлардан: *горизонт чизиги* – ҳавода шартли жойлаш, кузатувчи кўз баландлигидан ўтган тўғри чизиқдир; *кузатиш нуқтаси* – расм чизаётган кишининг ўрни, *марказий учрашув нуқтаси* – кузатувчининг кўзи рўпарасида горизонт чизигида жойлашган нуқта; кўриш бурчаги - шаклни тўла идрок қилиш, кўриш учун зарур бўлган масофа бурчаги. *Ҳавоий перспектива* - буюмнинг ёруғлик даражасини, чегара чизигини ва ранг ўзгаришини аниқлайди. Буюм кузатувчидан узоклашган сари ҳаво қатламининг таъсирида ўзгаришидир.

Пластика(грекча сўздан *plastika* ваяние) – 1) рангтасвирда, чизматасвирда ва ҳайкалтарошлиқда буюмни шаклантириш, тасвирни ҳосил қилиш; 2) ифодали рангтасвир ишлаш йўли, мўйкалам билан ишлашдаги энгиллик, моҳирлик; 3) ҳайкалтарошлиқда, графикада ва тасвирий санъатда шаклнинг аниқликка, ифодаликка эришиш.

Пластичность ҳар хил санъат асарида алоҳида гўзаллик, яхлитлик, нозиклик ва моделировканинг равшанлиги, буюмнинг ранг ечими, ранг бойлиги ва тусдан - тусга ўтиш, компо-

зицияда чизиклар, шаклни ифодалилиги ва хушбичимли ўзаро алоқалари.

Полутень(яримсоя) – ёруғ - соя элементларидан бири. Полутень натурада, шунингдек санъат асаридан – буюм юзасидаги тўқ соя билан ёруғ қисми оралиғидир.

Полутон (ярим тус) – ёритилган буюм қисмининг икки қўшни кам контраст туси оралиғидаги ўтиш туси. Шаклда тусдан тусга катта юмшоқлик билан ўтиш моделировкани нозик бўлишига ёрдам беради.

Портрет(французча сўздан *portrait* - тасвир) – тасвирий санъат жанри, маълум бир шахс (одам) нинг ёки бир неча кишининг (икки, гуруҳ ва бошқалар)га бағишланган асар.

Пропорция (мутаносиблик) – (лотинча сўздан – *proportio* - со-размерность) – қисм ўлчови, ўлчамларнинг бир - бирига ва бутун шаклга бўлган нисбати. Рассом пропорция ёрдамида буюм ва қомат шаклини қуришда, асарнинг композицияси-ни тузишда катта аниқлик киритади.

Бунга текислик шакли нисбати, фонга тасвир ўлчами нисбати, гуруҳлар нисбати кабилар киради.

Профиль(французча сўздан *profil* – ён томондан кўриниши) хар қандай жониворнинг ёки буюмнинг ён томонидан кўриниши.

Пластик анатомия - анатомия фанининг бир қисми, бўлими. Одамнинг пропорциясини, ички тузилиши ва ўзгариши тананинг шакл ўзгаришига таъсирини ўрганеди. Пластик анатомия қомат мускуллари ва склет тузилиши, суяклар ва мускуллар боғланишига эътибор беради, ўрганеди.

Пастель- рангли қаламча, бўр. Шу қаламда ишланган асарлар ҳам пастель дейилади.

Ракурс(французча сўздан *гассурсіг* - қисқартириш) – буюм шаклининг ва тирик жониворнинг перспективали қисқариши. Яқин масофадан, юқоридан, пастдан қараганда фазодаги натура жойлашувининг нуқтаи назари.

Рельеф(французча сўздан relief – бўртик, ҳажмли) – ҳайкалта-рошл икдаги тури. Думалок ҳайкалдан фарқи рельеф ҳажми қисман текислик устидан бўртиб туради. Рельеф ҳар хил кўринишда бўлиб: Барельеф («ба» - французча паст) - текислик сатҳидан ўз ҳажмининг ярмига яқини туради.

Горельеф («го» французча баланд) шакл текислик сатҳидан тўла чиқиб туриши мумкин; чуқурлаштирилган, яъни текислик сатҳидан чуқур кесилган бўлиши мумкин.

Рефлекс(лотинча сўздан reflexus қайтиш) – 1) рангтаъсирда – кучли ёруғлик билан ёритилган буюм сиртидаги соя қисмида кўшни турган ранг туси, тури.

Рангли рефлекс буюмнинг теварак атрофидаги нарсалар таъсирида ҳосил бўлади.

Масалан: қизил мато қизғиш рефлекс ҳосил қилиши мумкин.

Ритм (вазн)(грекча сўздан rhythmicos – бир меъёрдаги, текис) – асар композиция қурилмасининг муҳим томонларидан бири. Буюм, шакл, ранг ёки нақш элементларининг бир меъёрда такрорланиши, айниқса монументал санъатда. Амалий – безак санъатида ва архитектурада кўп учрайди.

Тасвирий санъатда ритм мураккаброқ бўлиб картинада алоҳида руҳ беради. Ритм композицияда қоматлар гуруҳи ҳаракатларида, қўл жойлашуви вариантларида, тус ва ранг такрорланишида, шакллар жойлашувида бўлиши мумкин.

Реализм-тасвирий санъатда нарсалар ҳаётда қандай кўринса, шундайлигича тасвирланишига асосланган оқим.

Ренессанс-уйғониш.

Репродукция-тасвирий санъат асаридан олинган нусха.

Реставрация-таъмирлаш.

Ретуш-махсус қалам.

Сангина-қон сўзидан ташкил топган атама. Жигар ранг ёки қизғиш бўрсимон қалам.

Соус-юмшоқ қалам, шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам, «соус» дейилади.

Свет (ёруғлик, нур) – Тасвирий санъатда ёруғ-соя элементи. На-турада ҳам, санъат асарида ҳам юза(сирт)нингёритилган қисми учун ишлатиладиган термин.

Светлота (ёркинлик, равшанлик) – ёруғ - сояга хос термин. Нафис тасвирий санъатда рангни равшанлик даражаси. Ёнма - ён турган ранг тусига нисбатан рангни ёркинлигини таққослаш даражаси. Графикада – бир ранг тусининг ик-кинчисига нисбатан ёркинлик даражасидир.

Светотень (ёруғ-соя) – шаклда соя ва ёруғлик нисбати, ёркин ва қоронғу қирралар нисбати.

Композициянинг муҳим воситасидир.

Тасвирий санъатда умумий тус ечимида ёруғ - соя буюм шакли-ни ва материаллигини кўрсатишда муҳимдир. Ёруғ - соя қирралари: нур, соя, яримсоя, рефлекс, блик.

Сеанс(французча сўздан seance - бир зумда, тезкор) – бир асар устида ишлаётган рассомнинг тўхтовсиз иш даври, вақти, рассом асар устида ишлаётиб бир,икки ёки ундан ортиқ се-анс вақт сарфлаш мумкин. Ҳар сеанс ҳар хил вақт давом этиши ҳам мумкин.

Силуэт(французча сўздан silhouette – шакл кўриниши) – натура-да буюм ёки қоматнинг умумий шакл кўриниши. Тасвирий санъатда шакл ва буюмни деталларсиз ясси ҳолда (тўқ ёки оч ранг фонида доғ сифат) кўринишини назарда тутилади. Ёруғлик қаршисига кўйилган буюм силуэт бўлиб кўринади. Графикада қора тасвирланган шакл профили силуэт деб аталади.

Симметрия(грекча сўздан summetria – текис, баб-баробар, тенг ўлчамли) – композицияда ёки шакл тузилиши марказий ўк чизигидан параллел, марказдан тенг узоқликда қисмлари жойлашган кўриниши. Масалан: цилиндр, кўза, тухум ка-билар.

Симметрия композицияси амалий безак санъатида кўп учрайди. Нафис тасвирий санъатда ва ҳайкалтарошлиқда симметрия асарни куруқ ва зерикарли қилади. Чунки тасвирнинг жонли, ҳаётийлигига мос тушмайди. Шакл тузилишида симметрия бузилса, у ҳолда асимметрия дейилади.

Мазмун ва шакл – санъатда ўзаро шартли категория. Мазмун санъат асарида нима тасвирланганини кўрсатади. Шакл эса қандай воситалар билан амалга оширилганини кўрсатади. Тасвирий санъатда мазмун шаклсиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Статичность(грекча сўздан *statos*-ҳаракатсиз турган)- динамикага қарама - қарши, аксинча, тинч ҳолат, ҳаракатланмайдиган.

Стиль(французча сўздан *style* – манера дастҳат) Стил (дастҳат) бир гуруҳ рассомларга ёки битта рассомга хос бўлиши мумкин. Агар унинг ижоди кескин фарқ қилса, фақат унга хос томонлари мавжуд бўлса, бундай рассомлар ҳам алоҳида дастҳат (стил)га эга бўладилар.

Тема(грекча сўздан *thema* – асосий фикр) – рассомнинг асарда тасвирлаш ва ғояни очиқ бериш учун танланган ҳодиса, воқеа доираси.

Тень(соя) – тасвирда ва натурада кам ёритилган қисмининг ёруғ - соя элементи. Шахсий соя ва тушган соя турлари мавжуд. Шахсий - соя буюмнинг ўзида жойлашган.

Буюмнинг теварак - атрофга, ерга тушган сояси – тушган соя дейилади.

Тон(тус, ранг) - (французча – *ton* – бўёқ бериш) – натурадаги буюм (предмет) ва санъат асаридаги рангга хос ёрқинлик, равшанлик даражаси.

1) чизматасвирда бир ранг (монохром) туси;

2) рангтасвирда ранг кучи, ранг куюқлиги тушунилади. Рангтасвирда ранг ва ёруғ - соя муносабатлари узвий боғлиқ;

3) ранг туси – рангнинг муҳим сифати:

4) умумий ранг туси тушунчаси ранг чашмаси терминиغا мос.

Торс(итальянча – torso - гавда) – одам гавдаси.

Тус (Отенок) 1) натура (шакл) нинг теварак - атроф таъсирида ранг ўзгариши; 2) рангни, ранг куюқлигини, ранг ёрқинлигини, тусини кичик фарқлари. Масалан қизил рангни қизғиш рангдан фарқи, сарик рангни лимон сариғидан фарқи;

3) Совуқ рангнинг иссиқ рангга ўтиш жараёни.

Фазовий планлар (режа) – 1) натураларга қараганимизда фазога жойлашган буюмлар шартли равишда майдонларга бўлинади. 2) картина бўшлиғидаги тасвирнинг ҳар хил даражадаги узоқлашуви. Одатда бир неча планлар фарқланади: биринчи, иккинчи, учинчи ёки олдинги, ўрта, узоқ планлари. Уларнинг сони ҳар хил бўлиши тасвирланаётган объектга, ижодий ғояга боғлиқ; 3) моделировкада, фазода ҳар хил жойлашган шакл қисмларини шакл планлари деб юритилади.

Фактура(лотинча – factura - ишлов бериш) –

1) ашё (материал)нинг характер хусусияти, натурада буюмнинг сирти ва унинг санъат асаридаги тасвири (масалан, картинада ёки натурада шиша кўзанинг ялтироқ сирти, юзаси);

2) материалнинг ишлов берилганлик хусусияти, материалнинг характерли сифати (масалан, нафис тасвирий асар фактураси – бу мезон (из), бўёқ қатламининг характери. У силлик, гадир - будир, рельефли ва шу каби кўринишда бўлиши мумкин, ҳайкалтарошлиқда – ишлов берилган тош, ёғоч ва бошқаларнинг юзасидир).

Фактура расом ўзига хос ишлов бериш услуби бўлиши мумкин. Шунингдек, қандай бўёқдан фойдаланилганига боғлиқ.

- Фас**(французча – юз, башара, чеҳра) – олдидан кўриниши.
- Фиксат**(французча – fixe – мустаҳкамлаш, қотириш, маҳкамлаш) – чизматасвирни яхши сақланиши учун мустаҳкамловчи махсус суюқлик.
- Фон**(французча – fond – таг, чуқурлик қисми) – натурада ва тасвирий санъатда – шакллар ортида жойлашган муҳит, тасвирда орқа план. Тасвирий санъатда фон тасвири ёки тасвирсиз бўлиши мумкин.
- Форма**(лотинча – forma - ташқи кўриниш) – 1) ташқи кўриниш, кифа; 2) тасвирий санъатда форма деганда шаклнинг ташқи хусусиятига айтилади. Тасвирий санъатда бадий форма – бу композиция тузилиши, воситалар бирлиги, ҳамжиҳатлиги, усули, бадий ашёда амалга оширилганлиги ва бадий гоյ мужассамлигидир.
- Формат**(французча) – тасвир бажарилаётган текислик шакли (тўғритўртбурчак, овал, доира ва бошқалар).
Формат баландлигининг энига нисбати ва умумий доира чегарасига боғлиқ. Формат танлаш санъат асарининг мазмунига ва руҳиятига боғлиқ. Картина формати тасвир композициясига тўғри келиши лозим.
- Фрагмент**(лотинча – fragmentum - бўлакча) – асарнинг бир қисми, бўлакчаси.
- Штрих**(немисча – strich - чизик) – чизматасвирда тасвирлаш воситалардан бири.
- Цвет (ранг)**-нафис тасвирий санъатда асосий бадий восита. Тасвирда шакллар оламини, ҳар хил хусусиятини тасвирлашда ранг турлари муҳим рол ўйнайди.
Ранг – бадий образ яратишда асосий воситадир. Ранг кучининг одамга таъсири ниҳоятда кучлидир. Композициянинг муҳим элементи.
- Эскиз**(французча – esquisse – набросок (қоралама)) – ижодий гоյнинг асар учун бажарилган қораламалари.

Эскиз ҳар хил усул (техника)да бажарилиши мумкин. Эскиз бир неча вариантда бажарилади ва энг яхши деб топилгани асар учун асос қилиниб олинади.

Эстетика(грекча *aisthetike*) – ҳаётда ва тасвирий санъатда гўзаллик ҳақидаги фан. Эстетика борлиққа санъатнинг муносабати, бадиий ижод қонунлари асосини, ижтимоий ҳаётда санъатнинг ролини ўрганади. Гўзаллик – эстетика кенг аҳамиятини ўрганади.

Эксперсия-шижоат, шиддат, тезкорлик, ифодалилиқ, фикр, кай-фият ва ҳис - туйғуларнинг ёркин намоён бўлиши.

Қомат-кишиларнинг умумий кўриниши.

Расмлар рўйхати

1. Расм - Антик ҳайкаллар.
2. Расм – Аёл портрети.
3. Расм - Ялонғоч қомат.
4. Расм - Портрет кўли билан постановкаси.
5. Расм - Гипсли бош.
6. Расм - Гипсли бош постановкаси.
7. Расм - Гудон ҳайкали.
8. Расм - Одам боши потрети.
9. Расм - «Одам боши уч кўринишда»ги чизматасвири
10. Расм - Одам бошини елкаси билан ишлаш.
11. Расм - Одам бошини мураккаб рақусда.
12. Расм - Гипсли одам қомати.
13. Расм(а,б,) - Одам қоматини скелет ва мускулларга ажри-тиб ишлаш.
14. Расм - Ялонғоч қомат.
15. Расм - Ярим қомат.
16. Расм - Кийимдағи ярим қомат
17. Расм - Қўл ва оёқ чизматасвири.
18. Расм - «Портрет кўллари билан» постановкаси
19. Расм - Хомаки чизматасвир.
20. Расм - Букламлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида». ИТ. Уз. Нашр.1998
2. «Баркамол авлод орзуси». Тошкент «Шарк» 1999
3. Абдуллаев Н.У. История искусства. Ташкент, 2001.
4. С. А. Абдуллаев. V курслардаги икки жуссали ўқув топшириғи. Уч.тип. ТГИИ.1996г.
5. Аксенов К.Н. Рисунок. М., 1990.
6. Кузин В.С. «Высшая школа» Москва. 1982.
7. Худайберганов Р.А. «Композиция». Шарк. 2007 й
8. Учебный рисунок. Москва. 1981.
9. Барчай И. Анатомия для художников. Будапешт. 1959.
10. Барщ А.О. Наброски и зарисовки. М., 1970.
11. Бёрн Х. Динамическая анатомия для художников. Нью - Йорк 1990.
12. Кирцер Ю.М. Рисунок и живопись. М., 1992.
13. Ли Н.Г. Основы учебного академического рисунка. М. 2008.
14. Ли Н.Г. Голова человека. Основы учебного академического рисунка. М. 2009.
15. Ростовцев Н.А. Академический рисунок. М. 1984.
16. Тихонов С.В. Рисунок. М. 1983.
17. Vammes G. Der nackte Mensch. Drezden. 1997.
18. Е.В.Шорохов. Основы композиции. Москва. 1979.
19. Жабинский В.И., Винтова Ф.В. Рисунок. М. Инфра - М. 2009.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи ўринда	3
-------------------------	---

I. БОБ

Фан ҳақида	11
1.1. Курс топшириқлари хусусияти ва мақсади.....	12
1.2. Нагурадан чизматасвир ишлаш ҳақида асосий тушунчалар	17
1.3. Чизматасвирда тус муносабатлари	18
1.4. Тус муносабатларининг нисбати.	19
1.5. Чизматасвир учун ашёлар	21

II. БОБ

2.1. Гипсли бошдан чизматасвир ишлаш.....	28
2.2. Одам боши Гудон гипсли ҳайкали чизматасвири	32
2.3. Одам боши чизматасвири.....	34
2.4. «Одам боши уч кўринишда»ги чизматасвири.....	36
2.5. Одам бошини елкаси билан ишлаш.	38
2.6. Одам бошини мураккаб ракусда ишлаш.....	43
2.7. Гипсли одам қомати чизматасвири.....	46

III. БОБ

3.1. Одам қоматини скелет ва мускулларга ажритиб ишлаш.....	51
3.2. Ялонғоч қомат чизматасвири.	61
3.3. Ярим қомат чизматасвири	74
3.4. Кийимдаги қомат чизматасвири.	80

3.5. Қўл ва оёқ чизматасвири	84
3.6. «Портрет қўллари билан» постановкаси.	87

IV. БОБ

4.1. Хомаки чизматасвир	92
4.2. Букламлар	101

Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати..... 107

Расмлар рўйхати 120

Фойдаланилган адабиётлар 121

**КБК 85.15я73
Т71**

Мухаммадиёр Тошмуродов

ЧИЗМАТАСВИР

«NOSHIR» — Тошкент-2012

**Мухаррир С. Сафаева
Рассом Ш. Одилов
Мусахҳих Д. Мамадалиева
Техник муҳаррир Д. Жалилов**

Лицензия АІ № 200. 28.08.2011 й.
Босишга рухсат этилди 10.09.2012 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Ўфсет босма усулида чоп этилди. Шартли б.т. 10,7.
Адади 200 нусха. Буюртма № 56.

**«NC SHIR» Ўзбекистон-Германия кўшма корхонасининг нашриёти,
Тошкент ш., Лангар кўчаси 78.**

**«VNESHINVESTPROM» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Лангар кўчаси 78.**